Боқий фикр

*Асосий мақсадимиз — халқимизни рози қилиш, одамларнинг фаровон яшаши учун барча имкониятларни яратишдир.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan ● E-mail: info@marifat.uz ● 2017-yil 1-mart, chorshanba № 17 (8978)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ТАШҚИ РАЗВЕДКА ХИЗМАТИ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Ташқи разведка хизмати директори Сергей Наришкинни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, мамлакатларимизнинг замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги юксак даражада эканини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида экстремизм, терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

С.Наришкин қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди ва Президент Владимир Путиннинг эзгу тилакларини етказди.

Россия Ташқи разведка хизмати директори давлатларимиз хавфсизлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларни бажаришдаги ўзаро ҳамкорлик даражасини юқори баҳолади.

**ЎзА**

*Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.*

*Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

## Ёшлар тарбияси — стратегик масала

2017 йилнинг 7 феврали Ватанимиз тарихининг энг муҳим саналаридан бири бўлиб қолади. Бу кун — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган кун.

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

Президентимиз Фармонида стратегия (2017–2021 йилларда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш) ва тактика (бунинг учун 2017 йилда қанча, қандай амалий ишлар қилиниши) мужассам. Унда "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури" тасдиқланди.

Ҳаракатлар стратегиясининг муваффақияти ҳар биримизнинг уни қандай тушунишимизга, уни ўз шахсий, ҳаётий ҳаракатлар стратегиямиз деб қабул қилиб, ҳар куни ўз иш жойимизда уни дил, тил, қўл билан қўллаб-қувватлашимизга боғлиқ. Хуллас, ҳар биримизга ўзимизнинг фарзандлик бурчимизни, Ватанга муҳаббатимизни иш билан кўрсатишга янги имконият яратилди. Ёшлар билан ишлашда ҳам.

(Давоми 8—9-бетларда.)

## ИНСОНЛАРНИНГ ДАРДУ ТАШВИШЛАРИНИ ЎЙЛАБ ЯШАШ — ОДАМИЙЛИКНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МЕЗОНИДИР

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги тизимга асос солинди*



**2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili**

Инсон ҳаётга бир марта келади, бахтли яшашни истайди ва унинг бунга тўла ҳаққи бор. Халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларидан кўзланган мақсад-муддао ҳам аслида шу: бугунги кунимиз кечагидан, эртамиз бугунги кунимиздан кўра бахтли ва фаровон бўлишига эришиш. Ана шундай улуғ ва хайрли мақсадларимизнинг рўёбга чиқиши кўп омил ва мезонларга боғлиқ. Аммо уларнинг ичида ҳаётимизда адолатни қарор топтириш энг зарурий шарт ҳисобланади. Зотан, ижтимоий адолат таъминланган давлатда халқнинг бунёдкорлик салоҳияти, яратувчанликка интилиши ва иштиёқи ҳосил бўлаверади.

Шу маънода мустақил Ватанимиз тарихида, халқимиз ҳаётида яна бир янги давр, янги тараққиёт босқичи бошланди, дейишга барча асосимиз бор. Стратегик мақсадларимиз аниқ ва равшан — демократик, инсонпарвар давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, пировардида, халқимизни ҳаётдан рози қилиш, унинг янада фаровон яшаши учун барча шарт-шароитни яратиш. Бундай юксак марраларга халқ билан мулоқот қилиб, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш орқалигина эришиш мумкин.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқ билан фаол ва очиқ мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш борасида асос солган янги тизим — Халқ қабулхоналари институти ижтимоий адолатни таъминлаш борасида ўзбекона ҳаёт фалсафаси ва миллий давлатчилик мактабига хос барҳаёт анъаналарнинг янги тараққиёт босқичи бўлиш билан бирга, мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш йўлидаги стратегик мақсадларга эришишнинг қудратли воситасига айланмоқда.

### Кенгашли тўй тарқамас

Халқимизда эзгу бир анъана бор: ҳар қандай ишни бошлашдан аввал маслаҳат қилинади. Бунда кайвонию кексалардан, ёшлардан ҳам фикр сўралади. Турли мулоҳазалар тингланади, муносабатлар ҳисобга олинади. Ҳар бир қараш, таклиф чуқур муҳокама қилинади — дўппини бошдан олиб қўйиб, атрофлича кенгашилади. Ақл — тарози, кўнгил қози бўлади: кўриладиган тадбирнинг фойдаси ва зарари тарозига қўйилиб, обдон тортилади. Ақлли тадбирлар тақдирга мос келади: энг тўғри қарор, адолатли ечим ана шундай муҳокамалар асносида танланади. Бу — ҳақиқат баҳсларда туғилади, дегани.

(Давоми 2-бетда.)

2017-yil 1-mart, № 17 (8978)

# ИНСОНЛАРНИНГ ДАРДУ ТАШВИШЛАРИНИ ЎЙЛАБ ЯШАШ — ОДАМИЙЛИКНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МЕЗОНИДИР

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Бундай қадриятлар йўқ жойдан ўз-ўзича пайдо бўлиб қолмаган, албатта. Зеро, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қадриятлари аниқ табиий, тарихий ва ижтимоий омиллар негизида вужудга келади, ривож топади. Шу маънода жамоа бўлиб яшаш туйғуси халқимиз учун умр қоидасига айланиб кетгани бежиз эмас. Яъни, заминимизда истиқомат қиладиган одамларнинг бир оила, бир маҳалла, бир халқ бўлиб яшаши объектив зарурат — табиатнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи бизни шу руҳда тарбиялаган.

Бундай ҳаёт тарзи, табиийки, ўзаро мулоқотга, мулоқот эса қизғин муҳокама — кенгашга, ҳар бир масалада адолатли ва оқилона ҳукмга йўл очади. Халқимиз бундай қадриятларга асосланиб, аввало, ижтимоий адолатга интилиб келган.

## Куч — адолатда

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур куч-қудрат адолат, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда мужассам эканини англаб-англатиб яшаган. У зотнинг давлат муҳрида битилган **“Куч — адолатда”** ҳикмати ҳақиқатпарварлик ва ростлик инсон кучига куч қўшиши, ўз навбатида, кучли шахс ҳамиша ҳақгўй бўлишини англатади.

**«Одамий эрсанг, демагил одами, оникимраким, йўқ халқ ғамидин ғами»** ҳикматини ҳаёт қоидасига айлантирган Алишер Навоий ҳам, «Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ», дея тақдир ва тадбирни бирлаштирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам оддий одамлар билан доимий мулоқот қилиб, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишни олий мақсад, ҳаёт мазмуни, деб билган. Бу борада неча-неча авлодларга ўрнак ва ибрат бўларли буюк мерос қолдирган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев асос солган халқ билан мулоқот, мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги тизим, Халқ қабулхоналари институти ўзбек давлатчилик мактабига мансуб адолатпарварлик, ҳақиқатни амалда таъминлаш борасидаги ана шундай улуғ анъаналар илдизларидан қувват олади. Давлатимиз раҳбари бугун куйиб-ёниб барчамизни халқ қалбига қулоқ солишга, одамларнинг дард-ташвишларини астойдил тинглашга, муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам беришга даъват этаётгани, бу борада айрим катта-кичик амалдорларнинг онгида тошдай қотиб қолган эскича қарашларни таг-томири билан қўпориб, унинг ўрнига халқ талаб ва истаклари асосида ишлаш принципларини ҳаётимизда чуқур жорий қилишга қатъият билан ҳаракат қилаётгани буюк шоиримиз айтганидек, қучоқ очиб халқ ичига бориш, унинг армонларини ушалтириш, орзуларини рўёбга чиқаришдек улуғ мақсадларга қаратилган.

## Раҳбарларга халқнинг ўзи баҳо беради

2016 йил 24 сентябрда Ўзбекистон ҳукумати порталида Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси очилиши мурожаатлар билан ишлаш тизимини бугунги шиддатли XXI аср талабларига мос ҳолда такомиллаштириш имконини берди. Ҳукумат раҳбари билан оддий одамлар ўртасида ҳеч қандай воситачиларсиз тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилди. Шу боис ҳам мазкур виртуал қабулхона ишга тушган куниёқ мамлакатимизнинг турли жойларидан мингга яқин ариза, шикоят ва таклифлар келиб тушди.

Кўп ўтмай, барчамиз гувоҳ бўлдикки, аксарият муаммоларни нисбатан қисқа вақт ичида самарали, энг муҳими, қонун доирасида ҳал қилса бўлар экан. Бунинг учун хоҳиш ва ирода, ҳаётдаги ўткир муаммоларга тик қарай олиш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан йўлларини топиш талаб қилинади.

Ҳар қандай давлат раҳбари ҳам адолатсизлик ҳолатлари, халқни қийнаб келаётган оғир муаммоларни рўй-рост кун тартибига қўйиб, «энди, келинглар, вазият шундай экан, дея қўл қовуштириб ўтирмасдан ана шу камчиликларни бартараф этайлик», деб, бунда аввало ўзи ўрнак ва намуна бўлиб, жон-жаҳди билан бу ишга киришавермайди. Бунинг учун инсонда катта юрак, ўз халқи, ўз Ватани тақдири учун масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этиш туйғуси кучли бўлиши керак.

Виртуал қабулхона очилгунга қадар ҳам мамлакатимизда давлат органларининг «Ишонч телефони», Ягона интерактив давлат хизматлари портали мавжуд эди. Бу соҳада махсус "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Лекин, минг афсуски, бу қонун амалда тўла ишламаганини, унинг ижросини назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганини, аниқроғи, бу масалага иккинчи даражали бир иш сифатида қаралганини бугун очиқ тан олишга мажбурмиз.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, одамлар билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш кераклигини таъкидлар экан, халқимиз дилидаги, жамиятимиздаги оғриқли бир муаммони кун тартибига қўйди: «Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш фаолиятимизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди».

Шу боис яқин-яқингача аксарият одамлар ўзи яшаётган ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарларини, вазирларни деярли танимасди. Яшириб нима қилдик: кўпчилик катта-кичик раҳбару мутасаддилар олдига арз қилиб икки-уч марта қатнаган одамга «ёзувчи», «аризабоз», «иғвогар» тарзида бошқача кўз билан қарар эди. Албатта, ҳар қандай жамиятда бўлди-бўлмади ишга дарров шикоят ёзадиганлар топилади. Бироқ ора-чора учраб турадиган бундай кимсалар касрига қолган одамларнинг шикоятларини ҳам эътиборсиз қолдириш — жамиятда муаммоларнинг илдиз отиб кетишига сабаб бўлиши аниқ-ку!

Ахир кимдир умид билан ҳоким ё вазирнинг олдига борсаю, қабулига кира олмаса, эшигида ҳафталаб-ойлаб сарғайса, шундан сўнг қўли бирор ишга борадими? Ёшлар-чи? Улар билан ҳеч ким гаплашмаса, кўнглида нима гапи бор — қизиқмаса, уларни ўз «тарбияси»га олишни пойлаб ўтирган сохта тарбиячи, «ҳожатбарор»лар камми?!

Агар биз бугун ёшларимиз, фарзандларимиз тарбияси билан ўзимиз шуғулланмасак, уларнинг қалбига қулоқ тутмасак, бу иш билан хорижда қармоқ ташлаб ўтирган бошқалар шуғулланади. Бу — ҳаётий ҳақиқат. Уни ортиқча исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ.




Яқин-яқингача «Ишонч телефони» ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига юборилган мурожаатлар аксарият ҳолларда яна келган жойига — қуйи бўғиндаги идора ва раҳбарларга қайтариб юбориларди. Бу мурожаат янада пастга — яқинда ишга олинган ва тажрибасиз ходимнинг чекига тушгач, аҳволни ўзингиз тасаввур қилаверинг. Аҳоли қуйи бўғиндаги айрим раҳбарлар қилмишидан арз қилсаю, бу мурожаат кўриб чиқиш учун яна уларнинг ўзига бориб тушса, оддий фуқаро додини кимга айтиши, қайси остонага бош уриб бориши керак? Ахир у амалдордан ош-нон сўраётгани йўқ-ку! Унинг талаби, хоҳиш-истаклари жуда оддий, ҳаётий талаблар. Энг муҳими, аксарият ҳолларда улар ҳақли ва адолатли талаблар.

Сув томиб-томиб тошни емиради ё занг аста-секин ҳар қандай мустаҳкам пўлатни ҳам чиритади. Шу маънода аҳоли мурожаатлари ўз вақтида қонуний ва самарали ҳал қилинмаса, улар йиғилиб-йиғилиб, ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Мурожаат, ариза, шикоят нима ўзи? Бу — халқ, жамият қандай нафас олаётганини яққол намоён этадиган қайсар индикатор.

Шавкат Мирзиёев Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги «Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш — барқарор тараққиёт кафолатидир» номли маърузасида «халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қиладиган вақт келди. Бундан кейин жойлардаги раҳбарлар фаолиятига биринчи навбатда улар бошқараётган ҳудуддаги аҳолидан тушаётган мурожаатлар сони, уларнинг халқ ичида юриши, мавжуд муаммоларнинг амалий ечимига қараб баҳо берилади. Қисқа қилиб айтганда, раҳбарларга халқнинг ўзи баҳо беради», деб таъкидлади.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2017 йилни юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қиларкан, «давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этишимиз даркор», деб уқтириб ўтди.

Мана, кўп ўтмай, халқимиз бу ғоя ва ташаббусларнинг амалий натижаларини ўз ҳаётида кўрмоқда, сезмоқда: давлатимиз раҳбари барчага ўрнак кўрсатиб, ҳудудларга сафарлари давомида чекка қишлоқ ва овулларгача кириб бориб, ижтимоий соҳа объектлари, оддий одамлар хонадонларида бўлиб, юзага келган реал вазият, аҳолининг турмуш шароити билан яқиндан танишмоқда, муаммоларни бартараф қилиш бўйича тегишли кўрсатмалар бермоқда. Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, давлат органлари раҳбарлари ва масъул ходимлари ҳам жойларга чиқиб, асл ҳолатни ўрганмоқда, мавжуд хато ва камчиликлардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини таҳлилий-танқидий кўриб чиқишга уринмоқда. Барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг халқ олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилди.

Бу учрашувлардан дастлабки хулосалар нима? Аввало, одамлар онгида мудраб ётган тафаккур уйғонмоқда, тадбиркорлик ва бунёдкорлик иштиёқи янада кучаймоқда. Улар ўз фикр-мулоҳазалари, ўйлари, дард-ташвишлари, орзу-армонлари ҳатто Президент даражасида қизиқ, муҳим ва аҳамиятли эканини англаб етмоқда. Бугун барчамиз амин бўлдикки, жамиятимиздаги асосий муаммо ва камчиликлар қуйи бўғинда — пастда. Илдизлари соғлом дарахт кўкка бўй чўзиб, ҳосил берганидек, ислоҳотлар ҳам қуйи босқичларда натижа берса, бирники мингга, мингники туманга татийверади.

Энди бир идорада раҳбар бўлишнинг моҳият-мақсади — масалаларни қоғозда ҳал этиш ёки фақат рақамлардан иборат ҳисоботлар тўлдириш эмас, балки ҳаётнинг мавжуд аччиқ ҳақиқатларига юзма-юз келиб, реал воқеликнинг шиддатли тўлқинида ёниб-куйиб ишлаш эканини барча тўла тушуниб олиши керак.

Яна бир масала: хориждаги ва ичкаридаги айрим «дўст»ларимиз Виртуал қабулхона ташкил этилгач, «бу тизим Президент сайловидан сўнг ўз-ўзидан унутилади», деб «башорат» қилган, буни ҳатто сайловолди «пиар»и тарзида талқин этган ҳолатлар ҳам учради. Бироқ амалда бунинг тамомила акси бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев бир ишни

**(Давоми 3-бетда.)**

2017-yil 1-mart, № 17 (8978)

# ИНСОНЛАРНИНГ ДАРДУ ТАШВИШЛАРИНИ ЎЙЛАБ ЯШАШ – ОДАМИЙЛИКНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МЕЗОНИДИР

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

бошладими, охирига етказиш учун барча имкониятни ишга солиши, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам бирдай тер тўкиб меҳнат қилишга мажбур қилиши, ишламаганга қўймаслиги, якунда, бир кун келиб, барча раҳмат айтиши — буларнинг барчасини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади.

Билмаганлар билиши керак бўлган ҳақиқат оддий: давлатимиз раҳбари бу соҳада наинки бугун ёки эртанги кун учун мўлжалланган, балки узоқ истиқболда мамлакатимизда барча тармоқдаги муаммоларни тез ва самарали ҳал қилишнинг янги ва замонавий механизмини ҳаётимизда татбиқ этмоқда. Бу бир-икки йиллик мақсад эмас, ижтимоий адолатни ҳаётда таъминлашнинг узоқ йиллик стратегиясидир.

### Пухта, аниқ ва амалий механизм

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати, Президент девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида Президентнинг Халқ қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, ҳар бир туман ва шаҳарда Президентнинг Халқ қабулхоналари, Президентнинг виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

Мазкур тузилмалар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ишлайди.

Бунда Виртуал қабулхонанинг ишлаш шакли ва услуби ўзгармаган: мурожаатларни 0-800-210-00-00 ёки 1000 қисқа рақамларига қўнғироқ қилиш, pm.gov.uz манзилидаги махсус мурожаат шаклини тўлдириш орқали юбориш мумкин. Мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида Халқ қабулхоналари ҳафтада беш кун 9.00 дан 18.00 гача танаффуссиз фаолият кўрсатади. Барча Халқ қабулхоналари ягона андоза ва тартиб бўйича ишлайди, ҳамма бўғиндаги қабулхоналар бир хил мавқега эга, яъни, улар Президентнинг ҳудудлардаги ваколлиги ҳисобланади.

Айни пайтда Халқ қабулхоналари жойлардаги энг замонавий биноларда иш бошлади. Бу ерда жисмоний ва юридик шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, кутиш ва фуқароларни қабул қилиш заллари, иш кабинетлари, Она ва бола, тиббиёт хоналари мавжуд. Қабулхоналар ҳуқуқий адабиётлар, зарур маълумотлар ва ахборот технологиялари билан таъминланган. Энг муҳими, улардаги муҳит, имкониятлар, шарт-шароит, мутасаддилар муомаласи одамлар руҳиятига, кайфиятига таъсир қилади. Аслида ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотдан мақсад — одамларни ҳаётдан рози қилиш эмасми?!

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари фаолияти билан бевосита танишар экан, ташкилий жиҳатларга юқори баҳо берди. Энди уни мазмунан бойитиш, ички маданиятни мустаҳкамлаш зарурлигини, ҳокимлар, прокурорлар, ички ишлар бошқармалари бошлиқлари ва бошқа мутасадди раҳбарлар бу ерда халқ билан мулоқот қилиши, ҳар бир мурожаат ўз ечимини топиши, адолат таъминланаётганини одамлар сезиши, бир сўз билан айтганда, бу масканда адолат овози жаранглаб туриши кераклигини таъкидлади.

Нима учун давлатимиз раҳбари бу жиҳатларга қайта-қайта эътибор қаратмоқда? Чунки Халқ қабулхонасига кириб келаётган фуқаро учун ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги лозим, у фикрини, таклиф ва мулоҳазаларини, муаммоларини очиқ-ойдин айта олиши керак. Сансоларлик, қўрқув, ҳадик бўлмаслиги керак. Рост-да, илгари одамлар бирор давлат идорасига шикоят кўтариб борса, аввало, мутасаддиларга «гапи ўтади»ган одам изларди. Бирор раҳбар ёки мутасадди унга ни текширади. Текшириш якунлари бўйича аризага рўйхат рақами берилади. Аризачиларга мурожаатларни расмийлаштиришда кўмаклашилади.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонда барча даражадаги Халқ қабулхоналари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ходимлари ҳисобланиши белгилаб қўйилгани уларга объектив, холис ишлаш, мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш, адолатли қарорлар қабул қилишда катта имконият ва ваколатлар беради.

Президент девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш



«Шикоятингни ўрганишдан бошқа ишим йўқми?» каби иддаоларни айтса-ку, ўзини худди айбдордай ҳис қиларди. Беихтиёр елкаси қисилиб, боши хам бўларди.

Йўқ, бугун вазият мутлақо бошқача. Халқ қабулхоналари — халқимизнинг ўз уйи, нажот маскани. Бу ерда фуқаролар ва тадбиркорлар доимо очиқ чеҳра билан кутиб олинади. Одамлар, чин маънода, ортида суянч тоғи борлигини ҳис қилмоқда. Бу олдинги тасаввур ва тушунчалардаги каби таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик эмас, балки барча масалани қонун доирасида кўриб чиқиш, ҳал қилиш дегани. Мурожаатларнинг синчиклаб ўрганилиши ва амалий ҳал қилиниши тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва фаровонлик ҳаётимизда барқарор бўлишида ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Шу ўринда Халқ қабулхоналарида мурожаатлар билан ишлаш тартиби ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтсак, фойдадан холи бўлмайди.

Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона ходимлари мурожаатларни қабул қилади, рўйхатга олади, расмийлаштиради, таҳлил қилади, Мурожаатларнинг ягона классификаторига мувофиқ уларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органларини белгилайди. Мурожаатларга оид маълумотлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси» ахборот тизимига киритилади.

Халқ қабулхоналарида мурожаатлар оғзаки, ёзма ва электрон шаклда шахсан ёки почта орқали қабул қилинади. Аризачи шахсан мурожаат қилганда, навбат бўйича тартиб рақамини олади. Сўнг кутиш залида Халқ қабулхонаси ходими чақирилишини кутади. Аризачи чақирилгач, Халқ қабулхонаси ходими унинг аризасива мувофиқлаштириш хизмати мурожаатлар билан ишлаш устидан тизимли мониторинг ва назорат олиб боради. Бунда Халқ қабулхоналари фаолияти мунтазам ўрганиб борилади, уларнинг ишини янада такомиллаштириш, фуқаролар билан очиқ мулоқотларни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ўрганилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари, мансабдор шахслари, барча даражадаги ҳокимлар сайёр қабуллар, жумладан, Халқ қабулхоналарида ташкил этиладиган қабулларни мунтазам ўтказиб бориш билан бирга, Хизматга мурожаатлар билан ишлашга оид ўз ҳисоботини тақдим этади. Ўз навбатида Хизмат бу ҳисоботларни ўрганиб, мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ишлар сифатини, мурожаатлар кўриб чиқилаётганда аниқланган тизимли муаммоларни мунтазам таҳлил қилиб боради. Шунингдек, қоидабузарликлар ва муаммоларни фош этади, мурожаатларга асос бўлган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлайди, уларни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди, Президентга давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мурожаатлар билан ишлаши ҳолати тўғрисида мунтазам ахборотлар тайёрлаб, киритади, мурожаатларда кўтарилаётган масалаларни акс эттириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказишда иштирок этади.

Буларнинг ҳаммасидан кўзланган асосий мақсад — ҳар бир мурожаатнинг ўз вақтида қонуний, самарали кўриб чиқилишини таъминлаш, аҳолини ўйлантираётган тизимли муаммо ва масалаларга ечим топиш.

### Мурожаат қилишнинг ҳам ўз маданияти бор

Ҳаёт бор экан, инсон бор экан, муаммолар ҳам бўлиши табиий. Шу маънода мурожаатлар билан ишлаш ҳеч қачон кун тартибидан тушмайди. Албатта, одамзотни буткул рози қилиш имконсиз. Бироқ халқимиз якдил-ҳамфикр бўлса, муаммоларга тик қараб, уларни бир четдан ҳал қилишга киришсак, ишонинг, адолат ҳаётимизда тўла қарор топади, шикоятлар аста-секин камаяди. Яъни, адолат бор жойда шикоят бўлмайди. Шу боис ҳаётимиз ўзгариши учун, аввало, ўзимиз ўзгаришимиз керак. Ислоҳотни ҳар биримиз аввало ўзимиздан бошлашимиз керак.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини, хусусан, мурожаат маданиятини юксалтириш ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Мурожаатлар ичида баъзан соғлом ақлга, оддий мантиққа тўғри келмайдиганлари ҳам учрайди. Ҳар қандай тараққиёт воситасидан, яратилган имкониятлардан эзгу ёки ёвуз мақсадда фойдаланиш мумкин. Шу маънода, «Порталга ёзаман» ибораси фирибгарлик, кимнидир қўрқитиш, бирор мансабдорга таҳдид қилиш воситаси бўлиб қолмаслиги керак. Халқимиз бежиз «ўйнаб ёзсанг ҳам ўйлаб ёз», демайди. Бир ташкилотга хат битаётган одамда сўз масъулияти, фикр маданияти, маълумотлар учун жавобгарлик ҳисси бўлиши керак.

Мурожаат қилувчилар ўз шикоят-аризалари Президент даражасида кўрилаётганини чуқур англаб етишлари лозим. Чунки барча шикоятчи ҳам ҳақ бўлавермайди: кимдир шошиб ё адашиб, масаланинг туб мазмунига етиб-етмай, ҳатто нотўғри маълумотлар билан ҳам арз қилади. Ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш, ўрганиш, таҳлил этишга вақт керак. Агар мурожаатларда кўтарилаётган масалалар муайян ҳудуд, одамлар, умуман, жамиятимиз учун фойдали, адолатли ва ўринли бўлса, нур устига нур.

...Давлатимиз раҳбари ҳаётимизда адолат янада мустаҳкам қарор топиши, ҳар бир ишнинг халқимиз билан бамаслаҳат амалга оширилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг амалда таъминланишига хизмат қиладиган янги, замонавий тизим ишлаб чиқиб, уни амалиётга татбиқ этиш билан мустақил Ватанимиз тарихида янги даврга, тараққиётнинг янги босқичига асос солмоқда. Президентимизнинг **«Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир»**, деган ҳаётбахш сўзлари бугун Халқ қабулхоналарига кираверишда катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Халқ дарди-ташвишлари билан ёнаётган беором қалб тубидан отилиб чиққан бу ҳароратли сўзлар ўзининг, оиласининг, бутун эл-юртимиз, бугунги ва келажак авлодлар тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимиз учун ҳаётий аъмолга, эзгу вазифага айланиши шарт. Ўзбекистонимиз тараққиётнинг янада юксак чўққиларини забт этиши учун бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан Президентимиз атрофида янада жипслашиб, уйғоқ виждон билан яшашни, катта ғайрат ва шижоат билан ишлашни талаб қилмоқда.

Бошқача яшашга ҳаққимиз йўқ. Бунга ҳаётнинг ўзи йўл қўймайди.

**ЎзА**

**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

2017-yil 1-mart, № 17 (8978)

## Yangiliklarda yurt nafasi



**Навоийда “Ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш” мавзусида республика семинари бошланди.**

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган семинар Навоий шаҳридаги “Камолот” китоб дунёси” дўкони фаолияти билан танишишдан бошланди. Бу ерда 400 дан зиёд номдаги китоблар сотилмоқда.

Ёшлар марказида китоблар кўргазмаси ва савдоси ҳамда таниқли шоир-ёзувчилар, театр ва кино актёрлари иштирокида “Мен севган китоб” мавзусида учрашув ташкил этилди.

— Тадбир доирасида ташкил этилган китоб савдосига фарзандларим билан келдик, — дейди Навоий шаҳридаги Турон маҳалласида яшовчи Дилафрўз Хўжаева. — Мен ҳам ҳар бир ота-она каби ўз фарзандларим келажаги, уларнинг тарбияси учун масъулман. Шу сабаб, болаларимга ёшига муносиб китоб олиб бераман. Бу уларнинг китобга бўлган меҳри ошишига ёрдам беради. Яқинда оиламиз билан Амир Темур ҳаётига оид асарни ўқиб тугатдик. Оиламиздаги бу муҳит фарзандларимизга ҳам ижобий таъсир этади, деб ўйлайман.

**Асака туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 75 корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжалиги бўш иш ўринлари билан иштирок этди.**

Туман ҳокимлиги, прокуратураси ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Меҳнат ярмаркасида 500 дан зиёд фуқаро қатнашди, — дейди Асака тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Зулфиқор Эргашев. — Тадбирда ишга жойлашиш учун йўлланма олганларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

— Асака педагогика коллежини битирганман, — дейди Зоҳида Исмоилова. — Бугунги ярмаркада ўз мутахассислигим бўйича 3-мактабгача таълим муассасасига тарбиячи бўлиб ишга жойлашиш учун йўлланма олдим.

Тадбир доирасида ташкилотчилар ва мутахассислар томонидан фуқаролар билан меҳнат қонунчилиги, уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш борасида суҳбатлар ўтказилди, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**Жиззахда ўтказилган “Баркамол авлод” болалар марказлари ўртасидаги “Миллий рақслар” кўрик-танловининг вилоят босқичида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 126 ўқувчи иштирок этди.**

Танловда иштирокчилар маҳорати жамоавий ва якка рақс ижрочилиги бўйича синовдан ўтказилди. Уларнинг ижрочилик маҳорати рақснинг бадиий аҳамияти, ўзига хослиги, саҳна маданияти ва либос танлаш талаблари ҳисобга олиниб баҳоланди.

Жамоавий ижрочилик бўйича Жиззах шаҳар “Баркамол авлод” болалар марказининг “Ниҳол” жамоаси, якка ижрочилик бўйича Дўстлик тумани “Баркамол авлод” болалар маркази аъзоси Севара Норматова биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

“Энг чиройли ижро маҳорати”, “Ўзига хос миллий рақс ижроси” каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

**Тошкент маданият коллежида ёшлар орасида гиёҳванд воситаларининг тарқатилишига қарши курашиш ойлиги муносабати билан «Вояга етмаганлар ўртасида гиёҳванд моддалар истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирда ёшлар орасига гиёҳванд воситаларни олиб кириш, тарқатиш ва сақлаш билан боғлиқ турли жиноятларнинг олдини олиш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳақида сўз юритилди.

— Мамлакатимизда биз, ўғил-қизларнинг таълим-тарбия олишимиз учун барча қулайлик яратилган, — дейди коллеж ўқувчиси Умид Собиров. — Бу имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз, турли ёт ғоя ва зарарли иллатлардан ўзимизни, тенгдошларимизни асрашимиз зарур.

Ўқувчиларга гиёҳвандлик тушунчаси, гиёҳванд воситаларнинг инсон организмига салбий таъсири тўғрисида батафсил маълумот берилди. Ёшлар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Тадбирда ўқувчилар томонидан тайёрланган «Умр заволи» саҳна кўриниши намойиш этилди.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.**

# Ҳам интеграция, ҳам касбга йўналтириш

**Ҳар бир педагог, айниқса, ёш ўқитувчи учун маҳорат дарсларида қатнашиш тажрибасини бойитиб бориши учун яхши имконият. Шу сабаб бошланғич синф ўқитувчиларининг маҳоратини доимий равишда ривожлантириш, методик ёрдам кўрсатиш мақсадида амалий семинарлар ўтказиб келинади. Сергели туманидаги 8-мактабда ҳам шундай маҳорат дарси ташкил этилиб, 300-ИДУМнинг тажрибали бошланғич синф ўқитувчиси Нателла Казининг намунали интеграциялашган дарси кузатилди.**

Математика дарси фанлараро боғлиқликда ўтилгани ўқувчилар қизиқишини орттириши билан бирга касбга йўналтириш сабоғига ҳам айланди. Хусусан, синфга “Ёш кимёгарлар” кириб келиб, сувни табиий шароитда тозалаш усулини ука-сингилларига ўргатишди. Кулол Рустам Музаффаров тупроққа ҳаёт бағишловчи ускунаси билан ўқувчилар кўз ўнгида кўза ясаб кўрсатгани эса болалар қизиқувчанлигини янада оширди. Меҳнат таълими ўқитувчиси дарсда иштирок этиб, ўқувчиларга қоғоздан бош кийим ясашни ўргатди. “Атрофимиздаги олам” дарси билан боғлаб ўтилаётган математика дарси ўқувчиларни табиат қўйнига саёҳатга чорлади.



— Бошланғич синф ўқитувчиси бирор фанни мутлақо хусусий шаклда ўтиши мақсадга мувофиқ эмас, — дейди Тошкент шаҳар ХТББ методисти Дилфуза Тошмуҳаммедова. — Фанларни ўзаро боғлаб, мавзуларни мустаҳкамлаб ўтиш эса ўқитувчидан изланувчанлик талаб этади. Намойиш этилганидек, ҳар томонлама намунали дарсни ҳар бир ўқитувчи ўз синфида ташкиллаштириши мумкин. Шу сабаб маҳорат дарсларини амалий ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**“Ma'rifat” мухбири**

**В.ГРАНКИН олган сурат.**

# Намунавий методика кенгаши

## *ютуқ ва камчиликларни муҳокама этишга имкон берди*

**Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан таълим-тарбия жараёнини янада ривожлантириш, илғор тажрибаларни амалиётга жорий этиш, методик хизмат самарадорлигини ошириш мақсадида туман(шаҳар) ХТМФМТТЭБга қарашли таянч мактабларда “Намунавий методик кенгаш”лар ташкил этилди. Улар томонидан таянч мактабларда ўқув семинарлар ўтказиб келинмоқда.**

Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси Қибрай туманидаги 29-мактабда ўтказилиб, унда умумтаълим мактаблари директорларининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари иштирок этди. “Соғлом муҳит — соғлом жамоа” шиори остида ташкил этилган семинар қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Йиғилишда таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатиш борасидаги долзарб масалалар, ютуқ ва камчиликлар муҳокама этилди.

— Мактабдаги методбирлашмалар фаолиятидаги камчиликларни кузатиб бориш, ўқитувчилар эҳтиёжини аниқлаш, уларга ёрдам кўрсатишда директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосарининг ўрни катта, — дейди туман ХТМФМТТЭБ методисти З.Убайдуллаев. — Шу боис директор ўринбосарларини тумандаги методика бирлашмалари намунали бўлган мактаблар тажрибаси билан таништириш учун таклиф этдик. Иштирокчилар мактаб методика кенгаши фаолиятини кузатиб, ўзига хос самарали иш услуби ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишди.

Таклиф этилган ота-оналарнинг жараён ҳақидаги фикрларини умумлаштириб, методбирлашма йиғилишида муҳокама этиш, шунингдек, ҳар бир синфдаги иқтидорли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларни аниқлаб, режа асосида иш олиб бориш анъанаси йўлга қўйилган. Методика кенгашининг шу каби ўзига хос фаолияти йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

**Зилола МАДАТОВА**

# Лимончиликни ривожлантириш синоатлари

**Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада Ўзбекистон Фанлар академияси фахрий академиги Зайниддин Фахриддинов таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан унинг фарзанди Муҳаммадазиз Фахриддиновнинг «Ўзбекистонда лимончиликни ривожлантириш синоатлари» ва «Особенности выращивания цитрусов в Узбекистане» китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Тақдимотда таниқли олимлар, Зайниддин Фахриддиновнинг шогирдлари, яқинлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбир Зайниддин Фахриддинов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм намойиши билан бошланди. Шундан сўнг меҳмонларга сўз берилди.

— Бугун тақдимоти бўлаётган китоблар юртимизнинг тарихи, бугуни ва келажагига дахлдор бўлган деҳқончилигу боғбонликнинг ҳадисини олган Зайниддин Фахриддинов ва унинг фаолиятидан ҳикоя қилади. Жумладан, муаллиф ўзи ва яқин ҳаммаслаклари ҳамда яратилган янги навлар, лимонларнинг Ўзбекистон шароитига қандай мослангани, уларнинг парвариши хусусида ҳам тўхталади, — дейди биология фанлари доктори, профессор Суръат Солиҳов. — Зайниддин Фахриддинов юртимизда цитрусчиликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда фидойилик кўрсатган, сабру меҳнат билан кўзлаган мақсадига етишган забардаст селекционер-олим эди. У киши кашф этган янги навлар ҳам таркиб жиҳатдан, ҳам шаклий томондан мутлақо янги нав бўлиб, дунё олимларининг эътирофига сазовор бўлган. Зайниддин Фахриддинов нафақат лимончиликни амалий тажрибалар ёрдамида ўрганди, балки назарий қўлланмалар, кўплаб китоблар нашр эттирди. Қатор мақолалар эълон қилди. Ўйлайманки, бу китоблар мазкур соҳага қизиқувчиларга ўз маҳорат ва малакасини оширишда асқотади.

**Зулфизар МАМАДАЛИЕВА**

# Олий ўқув юрти билан ҳамкорлик

## мактаб ўқитувчисига нима бермоқда?

Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 2015 йил 28 августдаги "Халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган "Маҳорат мактаблари" йўналишида олий таълим муассасалари билан олиб борилаётган ҳамкорлик ишларини такомиллаштириш тўғрисида"ги қўшма буйруғига асосан жойларда "Маҳорат мактаблари" ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида ҳудудларда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув-семинарлар, очиқ дарслар ташкил этилди.

Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасида ҳам бу борада аниқ дастур ишлаб чиқилган бўлиб, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда Қарши давлат университети билан ҳамкорлик ўрнатилган. Ҳудуддаги 1124 та мактабдан 23 тасида вилоят, 282 тасида туман(шаҳар) миқёсида "Маҳорат мактаблари" фаолият юритмоқда. Уларда дарс самарадорлигини ошириш, ўқитувчилар касбий салоҳиятини юксалтириш, ижодкорлик қобилиятини шакллантириш, илғор иш тажрибаларни оммалаштириш, таълим муассасалари ҳамда ўқитувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган амалий-услубий тадбирлар, ўқув-семинарлар ташкил этилиб, ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатилмоқда.

Китоб туманидаги 4-мактаб бошланғич таълим йўналиши бўйича "Маҳорат мактаби" этиб белгиланган. 92 та мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиларига малакали тренер Латофат Тўракулова методик ёрдам, зарур тавсиялар бермоқда.

– Бошланғич синф билимлар пойдевори ҳисобланади, – дейди Латофат Тўракулова. – Бу ёшда болага пухта билим бериш учун ўқитувчи етарли билим ва тажрибага эга бўлмоғи керак. Ташкил этилган "Маҳорат мактаблари" фаолияти айни шу йўналишга қаратилган бўлиб, режага кўра ҳафта давомида мактабимизда туманимиздаги бошланғич таълим ўқитувчилари билимларини ошириб, ўзаро тажриба алмашади. Очиқ дарсларни кузатиб, таҳлил қилади. Илғор педагогик технология, ахборот-коммуникация воситалари, электрон дарсликлар ёрдамида ноанъанавий дарс ташкил этиш йўлларини ўрганади.

Ўқитувчилар қирқ беш дақиқалик дарс катта санъат асари эканлигини "Маҳорат мактаби" ўқув-семинарларида, "Очиқ дарслар"да тўлиқ англаб етмоқда.

– Машғулотларда ҳамкасбларим билан ўзаро тажриба алмашиб, билмаганларимни ўрганиб бораяпман, – дейди туманидаги 82-мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Севара Рустамова. — Айниқса, тренер ўқитувчидан методбирлашма ишини ташкил этиш, ўтказиш вақти, йиллик иш режа тузишни ўргандим. Бу ўқувчиларга пухта билим беришда қўл келмоқда.

Яккабоғ тумани ХТМФМТТЭ Бнинг табиий фанлар бўйича методисти Муҳиддин Мирзаев шундай дейди:

— Туманимизда 21 та мактабда "Маҳорат мактаблари" ташкил этилган. 8-мактабда физика, 75-мактабда кимё, 100-мактабда биология фанидан маҳорат дарслари олиб борилмоқда. Халқ таълими бошқармаси методистлари ҳамда ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўқув-семинарлар ташкил этилиб, ёш ўқитувчиларнинг билим ва малакаси оширилмоқда. Ўқитувчиларга Халқ таълими вазирлиги сайтидаги методик материаллардан, электрон дарслик ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилаяпти.

Инглиз тили бўйича "Маҳорат мактаби" этиб белгиланган Яккабоғ туманидаги 2-мактабда тренер Турсуной Қодирова ҳамкасбларига фан хоналаридаги мавжуд магнитола, DVD плеер, маркерли доска, видеопроектор, ноутбук, электрон доскадан фойдаланиш бўйича зарур тавсиялар бермоқда.

– "Маҳорат мактаблари"нинг тренер ўқитувчилари иштирокида ҳар ойнинг охирги шанба кунида вилоят ХТХҚТМОИ базасида "Методист мактаби" ўқувларини ташкил этишни йўлга қўйганмиз, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси методика маркази раҳбари Алишер Насимов. – Ҳар чоракда ўқитувчилар ва таълим муассасалари раҳбарларидан сўровномалар олиниб, методистлар, тренер ўқитувчилар фаолияти баҳолаб борилмоқда.

Қарши шаҳридаги 9-мактабда "Бошланғич синф дарсларида ахборот технологиялари (мультимедиа воситалари)дан фойдаланишнинг самараси", Ғузор туманидаги 34-мактабда "Бошланғич таълимга инновацион ёндашув", Шаҳрисабз туманидаги 88-мактабда "Рус тили фанини ўқитишда инновацион усуллардан фойдаланиш", Китоб туманидаги 5-мактабда "Физика фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш", Миришкор туманидаги 5-мактабда "Ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ўстиришда халқ мақолларидан фойдаланиш", Нишон туманидаги 38-мактабда "Дарс жараёнида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш омиллари" мавзусида амалий семинарлар ташкил этилди.

Ўтган ўқув йилида 3056 тадбир, ўқув-семинар ва очиқ дарслар ўтказилиб, уларда 33219 нафар фан ўқитувчиси иштирок этди. Тадбирларда 978 нафар маҳоратли ўқитувчи илғор иш тажрибалари билан ўртоқлашди. 2483 нафар ўқитувчининг "Очиқ дарслари" таҳлил қилинди. 1712 нафар ўқитувчининг илғор иш тажрибаси туман ҳамда вилоятда, 25 нафариники республика миқёсида оммалаштиришга тавсия этилди. Вилоят ХТХҚТМОИ ўқитувчилари томонидан 30 та методик тавсия, 58 та дарс ишланма, 43 та дидактик восита, туман(шаҳар) ХТМФМТТЭБнинг методистлари томонидан 34 та методик тавсия, 527 та дарс ишланма, 86 та кўргазмали воситалар тайёрланиб, "Маҳорат мактаблари"га етказилди.

Айни кунда вилоят "Маҳорат мактаблари" таркиби янада такомиллаштирилмоқда. 2016 йилда пойтахтимизда ўтказилган бошланғич синф ўқитувчиларининг республика форуми натижаларидан келиб чиқиб, маҳоратли, илғор иш тажрибага эга бошланғич синф ўқитувчилари иштирокида ҳар бир туманда яна биттадан, жами 14 та "Маҳорат мактаби" шакллантириш белгиланди.

Натижалар мониторинг қилинганда, "Маҳорат мактаби" машғулотларида иштирок этиб, малакасини оширган ўқитувчиларнинг дарс самарадорлигида ўсиш қайд этилди. Афсуски, 473 нафар ўқитувчи фаолиятида ўзгариш кузатилмади.

Шунингдек, бу жараёнга Қарши давлат университети жамоаси ҳам бевосита масъул саналса-да, амалда ҳеч қандай илмий-амалий кўмак кўрсатмаган. Жойлардаги аҳвол билан яқиндан танишганимизда "Маҳорат мактаблари" ўқув-семинар ва машғулотларида фақатгина вилоят ХТХҚТМОИнинг профессор-ўқитувчилари, халқ таълими бошқармаси мутахассислари иштирок этаётганига гувоҳ бўлдик. Ҳатто қўшма буйруқ ҳақида университет ходимлари хабарсиз экани ачинарли. Келгусида бу муаммоларни ҳал этиш тизим мутасаддилари олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Зеро "Маҳорат мактаблари" машғулотида олий таълим муассасаларининг фаол иштироки нафақат соҳада фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг касбий салоҳиятини юксалтиради, балки кадрлар тайёрлаш сифатини ҳам яхшилашга ёрдам беради.

**Ўктам МЕЙЛИЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

Jarayon

# "Маҳорат мактаблари"

## таълим самарадорлиги йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда

Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитувчининг касбий маҳорати ва педагогик салоҳияти асосий омил ҳисобланади. Зеро, янги педтехнологиялар ва усуллардан фойдаланиш учун ўқитувчи давр талаб этаётган маҳорат ва тажрибага эга бўлиши зарур. Бу, айниқса, ёш мутахассислар учун жуда зарур.

Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан Наманган давлат университети билан ҳамкорликда 18 фан йўналишидаги "Маҳорат мактаблари" фаолияти йўлга қўйилган ўқитувчи ва мураббийларнинг малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларда 21 нафар тренер ўқитувчи дарс ўтмоқда. Туман(шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларига қарашли 134 та умумтаълим мактабидаги "Маҳорат мактаблари"да ҳам 212 нафар тренер ўқитувчи ҳамкасбларига сабоқ бермоқда.

– Ўтган давр мобайнида "Маҳорат мактаблари"да замонавий АКТ, илғор педагогик технологияларни қўллаш ва татбиқ этиш мақсадида 18 та ўқув-семинар ташкил этилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси методика маркази раҳбари Қаҳрамон Мамуталиев. – Жумладан, бошланғич таълим бўйича "Ўқув жараёни сифатини оширишда замонавий таълим ва ахборот технологиялари, малакали мутахассислар тайёрлашнинг илғор усуллари", она тили ва адабиёт фанидан "Дарсларни ўқитишда инновациялардан фойдаланиш", "Рус тили дарсларида интерфаол усуллардан фойдаланиш", "Хорижий тилларни ўқитишда АКТнинг ўрни" каби долзарб мавзуларга жиддий эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, фан ўқитувчиларини ижодий фаолликка чорлаш, истеъдодли, изланувчан педагогларни қўллаб-қувватлаш, бой тажрибаларини оммалаштириш мақсадида "Маҳорат мактаблари" орқали 100 дан зиёд очиқ ва кўргазмали дарслар ўтказилди. Шундай тадбирнинг навбатдагиси Наманган шаҳридаги 48-мактаб ўқитувчиси Ирина Никифорова иштирокида бўлиб ўтди. Тажрибали мусиқа фани ўқитувчисининг 5-"В" синфда "Симфоник оркестрнинг зарбли чолғулар гуруҳи" мавзусидаги дарси янги педагогик технологиялар ёрдамида ташкил этилди. Дарсни кузатган ўқитувчилар муаллима "Зинама-зина", "БББ", "Кластер", ва "Кичик гуруҳларда ишлаш" каби методлардан унумли фойдаланиб, юқори самарадорликка эришганини таъкидлашди.

Соҳага татбиқ этилаётган ташкилий-методик, илмий-услубий тавсиялар ва янгиликлар методистлар билан бирга "Маҳорат мактаблари" тренер ўқитувчилари иштирокида педагогларга етказилмоқда. Шу боис таълим муассасаларига кўрсатилаётган методик хизмат сифатини оширишда "Маҳорат мактаблари"нинг аҳамияти ортмоқда.

— Наманган давлат университети билан вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари, олимлар иштирокида маҳорат сабоқлари ташкил этилиб, асосий эътибор таълимга оид илғор педтехнология ва методлар, инновацияларни тарғиб ҳамда татбиқ этиш, ёш педагогларга методик ёрдам бериш, илғор тажрибаларни ўрганиш, оммалаштиришга қаратилмоқда, — дейди вилоят ХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси Абдуқаҳҳор Бўстонов. — Наманган шаҳридаги 66-ИДУМда "Биология фанини ўқитишда амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш ҳамда бошқариш" мавзусида бўлиб ўтган ўқув-семинарда НамДУнинг биология кафедраси мудири, биология фанлари номзоди Омина Абдиева, институтимизнинг аниқ ва табиий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Қаҳрамон Ниёзовлар машғулот ўтди. 12 та туман "Маҳорат мактаблари" тренер ўқитувчилари, методистлар қатнашган тадбир якунида иштирокчиларнинг мавзу юзасидан олган билим, кўникмалари синалганда яхши натижа қайд этилди.

Вилоятда "Маҳорат мактаблари"нинг тренерлари ҳисобланган илғор, юксак салоҳиятли ўқитувчиларнинг иш услуби, тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Амалдаги ўқув йилининг ўтган даврида 990 нафар тажрибали педагогнинг энг яхши дея эътироф этилган дарс ишланмаси тўплам ҳолида чоп этилди ва умумтаълим мактабларига етказилди. 122 нафар илғор педагогнинг долзарб мавзудаги маърузалари, вилоят ХТХҚТМОИ ўқитувчиларининг 46 та методик тавсияси, вилоят методика маркази методистларининг 14 та методик қўлланмаси тайёрланди.

"Маҳорат мактаблари"нинг келгуси фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида иш режаси тузилган. Унга кўра, олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорликнинг ҳаракат дастурини ятиш, "Маҳорат мактаблари" фаолиятини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳга янада тажрибали, юксак компетентли, ижодкор педагогларни жалб этиш, сабоқлар сифати ва мазмунини бойитиш каби вазифалар белгилаб олинган.

**Ғанишер АКБАРОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# Ижтимоий фан ўқитувчилари форуми

## Ўқитиш тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилади

**Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан шу йилнинг 24-25 март кунлари ўтказиладиган “Ижтимоий фанларни ўқитиш ва маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришда ўқув-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлиги: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг республика форумига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.**

Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 19 декабрдаги “Ижтимоий фанлар ўқитувчилари форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги буйруғига кўра, ижтимоий фанлар таълимини такомиллаштириш йўналишида олиб борилган ишларни сарҳисоб қилиш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўтган йиллар давомида эришилган ютуқлар, кенг кўламли ислоҳотларнинг туб моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилаётган форум тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари, миллий истиқлол ғояси туркумига кирувчи (одобнома, Ватан туйғуси, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари) фанларни ўқитиш йўналишлари бўйича ялпи йиғилиш ва шўъбаларга бўлинган ҳолда ўтказилади.

— Форумда мустақиллик йилларида мазмунан тўлиқ янгиланган ижтимоий фанларни ўқитиш борасидаги ишлар сарҳисоб қилинади, — дейди форумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзоси, Республика таълим маркази бўлим бошлиғи Наргиза Исматова. —Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан жами 250 нафар ўқитувчи, методистлар, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ҳамда олий таълим муассасалари олимлари ўз маъруза ва тезислари билан иштирок этиши кутилаётир. Вилоятлар жамоалари шўъбаларда эришган ютуқлари, ўқитиш сифатини ошириш, ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш, оила — маҳалла — таълим муассаси ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш борасидаги илғор тажрибаларини тақдим этишади.

**Jarayon**

Жумладан, тарих фанини ўқитишнинг долзарб вазифалари, давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар, миллий истиқлол ғояси туркумига кирувчи фанларни ўқитишнинг долзарб вазифалари, иқтисодий билим асослари фанини ўқитишда таълим технологияларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинади. Бешинчи шўъбада эса мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари фаолиятини самарали ташкил этишдаги муаммо ва уларнинг ечимлари кўриб чиқилади. Форумга Тошкент ислом университети, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Термиз давлат университети, Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ўқитувчилари ҳам таклиф этилади. Шунингдек, ҳар бир вилоят иштирокчилари ҳудудий муаммолардан келиб чиқиб тақдимот қилади. Мисол учун Қашқадарё вилояти вакиллари тарих фани шўъбасида ижтимоий фанларни ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш масалаларида баҳс-мунозарага киришса, хоразмлик педагоглар ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини шакллантиришда виртуал саёҳат дарсларини ташкил этиш борасида тақдимот намойиш этади.

Форум доирасида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 9-мактабда ўтказиладиган маҳорат дарсларини бевосита кузатиш, таҳлил қилиш, тажриба алмашиш, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи, “Қатағон қурбонлари хотираси” музейига саёҳат режалаштирилган.

Ёш авлоднинг дунёқарашини кенгайтириш, уларни юртга садоқат, Она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда ижтимоий фанларнинг аҳамияти беқиёс. Миллий анъана ва қадриятларимиз, аждодларимиз бой маънавий меросидан ўқувчиларни хабардор этиш, умуман мазкур фанларни сифатли ўқитиш ўқитувчидан юксак маҳорат, чуқур билим ва малакани талаб этади. Республика миқёсида фан ўқитувчиларини бирлаштираётган форумда бу борадаги илғор тажрибалар алмашилиши, ижтимоий фанлар таълимидаги муаммолар ечими юзасидан илмий-методик ва назарий тавсиялар ишлаб чиқилиши кутилмоқда.

**Илҳом ЖЎРАЕВ,**
**“Ma'rifat” мухбири**

# Фан ойлиги — билимлар сарҳисоби

* * *

**Февраль — аниқ фанлар (математика-информатика) ойлиги мактабимизда ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Турли тадбирлар, викторина, очиқ дарслар ташкил этилди.**

Жумладан, 8-синф ўқувчилари ўртасида “Биз баркамол авлод” мавзусида мусобақа бўлиб ўтди. Унда ҳар бир синфдан 10 нафардан иштирокчи 8 шарт бўйича ўзаро баҳслашди. Айниқса, “Квадрат ҳосил қилинг”, “Антиқа саволларга — антиқа жавоблар”, “Занжир ўйини”, “Бу қандай шакл?”, “Таниш тушунчалар” каби шартлар қизғин кечди. Хусусан, “Бу қандай шакл?” шартида иштирокчилар кўзи боғланган ҳолда қўл билан ушлаб, шакл номини айтишди. Ўйин шартларига қўшимча равишда шаклнинг инглиз тилидаги номини ва таърифини тўғри айтиб бериш ўқувчилар учун янада қизиқарли бўлди.

Мантиқий савол-жавоблар ва мулоҳазалар, математик масалалар, информатикага оид машқлар орқали уларнинг билими яна бир бор синовдан ўтди.

**Васила ЙЎЛДОШЕВА,**
**Пискент туманидаги 28-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси**





Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

* * *

**Замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрга эга ёш авлодни тарбиялаш ишларига Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби педагогик жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.**

Аниқ фанлар ойлиги доирасида мазкур илм масканида «Математикамиз қаҳрамонлари» мавзусида ўтказилган тадбир ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни янада ривожлантириш, ўқувчиларнинг математика фанига қизиқишини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Тадбир доирасида «Очиқ дарслар фестивали» ҳам бўлиб ўтди. Математика фани ўқитувчиси Жамила Абдураҳмонова интерфаол усуллардан фойдаланиб, интерактив доска орқали 7-синфлар учун «Тўғри бурчакли учбурчакнинг хоссалари» мавзусини қизиқарли тарзда ўтиб берди. Тадбирдан сўнг 9-синф ўқувчилари икки гуруҳга бўлиниб, «Заковат» интеллектуал ўйинида иштирок этдилар. Ўйинда иқтидорли ўқувчилар ўзларининг ушбу фандан олган билимларини синовдан ўтказдилар.

**Фозил БЕГИМҚУЛОВ,**
**математика ўқитувчиси**

* * *

**Пойтахтимиздаги 277-мактаб фойесида математика ва информатика фанларига қизиқувчи, ушбу фанлар бўйича тўгаракларга қатнашувчи иқтидорли ўқувчилар томонидан кўргазма ташкил этилди. Кўргазмадан ўқувчиларнинг ижод намуналари — деворий газеталар, қўл меҳнати билан ясалган моделлар жой олди.**

Февраль — аниқ фанлар ойлиги муносабати билан ташкил этилган фестивалга ташриф буюрганлар дастлаб ана шу кўргазма билан танишдилар. Тадбирнинг асосий қисмида мазкур фанлар ўқитувчилари ўз ҳамкасбларига очиқ дарслар ўтиб берди. Манзура Юсуповнанинг 8-синфлар учун ўтган «Айлана ватарининг хоссалари», Дилбар Саломованинг 5-синфлар учун «Ўнли касрларни таққослаш» мавзусида ўтган дарслари педагоглар, методистлар томонидан таҳлил этилди.

Ўқитувчиларнинг дарсларда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланганлари мутахассислар томонидан эътироф этилди. Ўқувчиларни фаолликка ундаган, аниқ фанлардан олган билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилган очиқ дарслардан сўнг фан ойлиги давомида амалга оширилган ишлар муҳокама этилди.

**Зуҳра ШОМУРОТОВА,**
**шу мактаб ўқитувчиси**

* * *

**Яшнобод туманидаги 216-мактабда фан ойлиги доирасида информатика фанидан “Ҳужжатларда шакллар ва чизмалар билан ишлаш” мавзусида янги педагогик технологиялар асосида анимацион дарслар ташкил этилди. Бу дарсларда ўқувчилар ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва “ZiyoNet”интернет тармоғидан тўғри ва керакли маълумотларни олишни ўрганишди.**

Шунингдек, “Инсон — математика — манфаат” мавзусида ўқув семинари ҳам ўтказилди. Тадбирда ўқувчиларнинг зукколиги, топқирлигини синовдан ўтказувчи ўйинлардан ташқари, буюк алломаларимиз, хусусан, Ал-Хоразмий ва Берунийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, фанлар ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига доир саҳна кўринишлари барчада унутилмас таассурот қолдирди.

**Латофат МИРЗАҚУЛОВА,**
**туман ХТМФМТТЭБ аниқ фанлар методисти**

2017-yil 1-mart, № 17 (8978)

# Янги йўналишдаги мутахассисликлар

## меҳнат бозорида уларга талаб юқори

Ёшларни иқтидори ва қобилиятига мос соҳага йўналтириш, замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Айни пайтда Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган 4 академик лицей, 75 касб-ҳунар коллежи ва битта ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси филиалида мазкур вазифалар ижроси изчил олиб борилмоқда. Жумладан, 2015-2016 ўқув йилида вилоятдаги 537 умумтаълим мактабини тугатган 9-синф битирувчиларининг 20166 нафари касб-ҳунар коллежларига, 1140 нафари эса академик лицейларга қамраб олинди.



ЎзА сурати.

Суратда: Галлаорол ижтимоий-иқтисодиёт коллежида.

### Milliy dastur — amalda

Мазкур таълим муассасаларида ёшларга чуқур билим бериш билан бирга, ёш мутахассисларни меҳнат бозори талаблари асосида тайёрлашга, ўқувчиларда янги йўналишдаги мутахассисликлар бўйича касб-ҳунар малакаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежида ҳам янги мутахассислик бўйича ўқитиш йўлга қўйилгани ёшларни мамнун этди.

— Болалигимдан тўқимачилик соҳасида меҳнат қилишни орзу қилардим. Мактабда ўқиб юрган чоғларим Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежида ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни»да қатнашиб, муассасада тўқимачилик ишлаб чиқариш техник-технологи мутахассислиги бўйича янги йўналиш очилаётганини эшитдим. Мактабни битиргач, ҳеч иккиланмай ана шу йўналишга ҳужжат топширдим, — дейди коллежнинг 1-курс ўқувчиси Мадина Шукурова. — Ҳозир ўттиз нафар йигит-қиз тўқимачилик ишлаб чиқариш техник-технологи мутахассислигини ўрганаяпмиз. Ўқув амалиётини ўташ учун зарур жиҳозлар мавжуд. Вилоятимизда сўнгги йилларда енгил саноат тобора ривожланмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар очилмоқда. Пахтани қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жадаллашмоқда. Келгусида ана шундай корхоналардан бирига шартнома асосида ишга кирмоқчиман.

Таълим муассасасида бугунги кунда 13 йўналишда 872 нафар йигит-қиз таҳсил олмоқда. Уларнинг танлаган соҳалари бўйича касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллаши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Умумтаълим фанларини давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқитиш учун физика, кимё, биология хоналари лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Иккита информатика, тўртта чет тили хонасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида сифатли таълим берилмоқда.

— Меҳнат бозори талабларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асносида янги йўналишларни очиш учун тегишли ташкилотларга таклиф бераяпмиз, — дейди коллеж директори вазифасини бажарувчи Дилшод Мамажонов. — Шу асосда келгусида ипакчи, кимёвий толалар ишлаб чиқариш техник-технологи, пахтага бирламчи ишлов бериш техник-технологи каби йўналишлар очишни режалаштирганмиз. Бундай ихтисосликларга талаб бўлса-да, вилоятимиздаги таълим муассасаларида кадрлар тайёрланмаётганини ҳисобга олсак, бу касбларни эгаллаш истагидаги ёшлар сафи кенгайиши шубҳасиз.

Коллежда қизларнинг касб-ҳунар эгаллашига эътибор кучли. Жумладан, миллий бадиий либослар модельери йўналишида қизлар зардўзлик, каштачилик, тикувчилик сирларини ўрганмоқда. Шу йўналишда таҳсил олаётган Фотима ва Зуҳра Мусурмонқуловалар фикрича, бу йўналишда олинган билимларга таяниб, келгусида якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш, касаначилик асосида аҳолига хизмат кўрсатиш мумкин. Вилоятдаги «Орзу Текст», «Ким-Текст», «Рус-Текст» каби масъулияти чекланган жамиятлар ҳам шартнома асосида янги иш ўринларини тўлдириш учун кичик мутахассисларга буюртма бермоқда.

Коллежда ўқувчиларга қўшимча йўналишлар бўйича касб ўргатиш ҳам йўлга қўйилган. «В» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш шулар жумласидандир. 2-курс ўқувчиси Озода Саидазимова мазкур гуруҳда енгил автомашина бошқариш сирларини ўрганаяпти. Қўшимча мутахассисликни ўрганаётган бундай йигит-қизлар сафи кун сайин кенгаймоқда. Вилоятдаги шундай йўналишларда ўқувчиларга «В» ва «В», «С» тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаш учун 32 миллион 550 минг сўмлик бензин ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ажратилган.

— Ўқувчиларнинг ўқув амалиёти ва касбий маҳоратини оширишда моддий-техник базанинг ўрни ва аҳамияти катта, — дейди Жиззах вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Бобур Ўсаров. — Шу боис таълим муассасаларининг 28 таси Осиё тараққиёт банки, Япония, Польша, Жанубий Корея ва Германия давлатлари кредитлари ҳисобидан жаҳоннинг етакчи корхоналарида ишлаб чиқарилган замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва устахона анжомлари билан таъминланган. 56 таълим муассасаси эса маҳаллий бюджет ҳисобидан жиҳозланган.

Мавжуд имконият ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларининг йўналишлари такомиллашиб, модернизациялаштирилмоқда. Бахмал иқтисодиёт коллежи Бахмал хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига айлантирилиб, қайта ихтисослаштирилди. Вилоятда 2016-2017 ўқув йилида енгил саноат корхоналари жиҳозларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш механиги, технологик машиналар ва саноат жиҳозларини созлаш ва хизмат кўрсатиш механиги, полимер композитлар, пластмасса ва эластомерларни кимёвий ишлаб чиқариш техник-технологи, тўқимачилик ишлаб чиқариш техник-технологи, ихтиолог, нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жиҳозларини созлаш механиги каби янги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари ихтиёрида ҳозир 227,7 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, ўқувчилар пахта, буғдой, арпа, сабзи, пиёз маҳсулотлари етиштириш бўйича амалий кўникмаларини мустаҳкамламоқда. Чорвачиликка ихтисослашган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида йигит-қизларнинг касбий малакасини ошириш учун чорва моллари ажратилган. Чорва наслини яхшилаш, қорамолларни даволаш, чорва маҳсулотларини етиштириш сир-асрорларини ёшлар кунт билан ўрганаётир.

Жиззах уй-жой ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи ҳудуддаги етакчи ихтисослашган таълим муассасаси ҳисобланади. Коллежда 13 йўналиш бўйича замонавий касб-ҳунар сирларини ўргатиш йўлга қўйилган. Мавжуд устахоналарнинг ривожланган мамлакатлар техника жиҳозлари билан таъминлангани йигит-қизларнинг ўқув амалиёти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Электрогаз ва пайвандлаш, газ таъминоти тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш, дурадгорлик ва пол ётқизиш, сув таъминоти ва оқова сув тармоқларини монтаж қилиш ва таъмирлаш йўналишларида таҳсил олаётганлар Германияда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналардан фойдаланиб, назарий билимларини амалиётда мустаҳкамламоқда.

— Пайвандлаш ишлари йўналишида таҳсил оламан, — дейди 3-курс ўқувчиси Даврон Луқмонов. — Тажрибали ишлаб чиқариш усталари кўмагида электр пайвандлаш ишлари сирларини ўрганаяпман. Вилоятимизда эркин иқтисодий зона ташкил этилгани муносабати билан кенг турдаги мутахассисликларга талаб ортмоқда. «Грандтекстиль», «Пласт-Текст» масъулияти чекланган жамиятлари билан тузилган тўрт томонлама шартнома асосида ишлаб чиқариш амалиётига пухта ҳозирлик кўраяпмиз.

Замондошларимизнинг турмуш тарзи ва ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Намунали лойиҳабардош уй-жойлар ва шахсий иморатлар коммунал ва маиший хизмат турларини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Уларни иссиқ ва совуқ сув, табиий газ қувурлари билан таъминлаш ишлари малакали мутахассисларга эҳтиёжни юзага келтирмоқда. Коллеждаги йўналишлар ана шу талабларни қондиради. Чекка туман ва қишлоқларда ҳам бундай хизмат турларига талаб ортмоқда. Шуни ҳисобга олиб, коллежда қишлоқ ёшлари учун ҳам ўқиш имконияти яратилган. Улар учун 60 ўринли тураржой биноси хизмат кўрсатмоқда.

Айни кунда меҳнат бозорида рақобатбардош касбларга эҳтиёж кун сайин ортмоқда. Бу, аввало, ўрта махсус таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар сифатини янада оширишни тақозо этади. Шунингдек, давр билан ҳамқадам бўлиб, янги йўналишларни ташкил этиш ҳам бугуннинг муҳим талабидир. Соҳа ходимлари вилоятда балиқчилик, асаларичилик, ҳунармандчилик каби оммабоп касб-ҳунарлар бўйича йўналишлар очишни ҳам режалаштирмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатларнинг барчаси ҳаётга мустақил қадам қўяётган йигит-қизларнинг касбий кўникмаларини мустаҳкамлаш, жамиятдан муносиб ўрин топишларига қаратилган. Зеро, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятида ҳам шундай олижаноб мақсадлар мужассам.

**Абдусаттор СОДИҚОВ**

*Жиззах вилояти*

2017-yil 1-mart, № 17 (8978)

# Ёшлар тарбияси — стратегик масала

(Давоми. Боши 1-бетда.)

## Ёшларга ғамхўрлик

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" дастуридаги 320 банднинг ҳар биридан инсон, ёшлар манфаатлари уфуриб турибди. Айниқса дастурнинг "Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари" бўлимида ёшлар учун қилинадиган улкан, кўпқиррали ишлар тизимини кўрамиз:

ёшларнинг бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, оиланинг фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятини ошириш, ёшлар ва вояга етмаганларнинг манфаатларини таъминлаш учун етук ва масъул мутахассисларнинг сайёр қабулларини ташкил қилиб, зарур ёрдамлар кўрсатиш;

олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш;

ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини янада тўларoқ қондириш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш;

Миллий контентни ривожлантириш, давлат тилидаги таълим, илмий-маърифий, ёшлар эҳтиёжларига мос замонавий ахборот ресурсларини, мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва тарғиб қилиш, мобиль интернет фойдаланувчиларига мўлжалланган, ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини янада оширишга хизмат қиладиган миллий ўйинларни ташкил этиш;

ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш, мустаҳкам мафкуравий иммунитетга эга ёшларни тарбиялаш, нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирларни ташкил қилиш;

диний экстремизм ва миссионерлик фаолиятига қарши курашиш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари белгилаб берилди.

Давлат дастурида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Дастурнинг "Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш", деб номланган бандида "жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш" белгиланган.

Ушбу вазифада ёшлар тарбиясига еттита талаб, яъни педагогик ишнинг етти аниқ мезони мужассам: 1) жисмонан соғлом; 2) руҳан ва ақлан ривожланган; 3) мустақил фикрлайдиган; 4) Ватанга содиқ; 5) қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш; 6) демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш; 7) ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш. Айнан мана шу хислату фазилатлар Ҳаракат стратегиясининг "инсон омили"ни кучайтиради.

Президент Фармонида Ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча **мансабдор шахслар фаолиятининг бирламчи вазифаси ва бош устувор йўналиши** бўлиши зарурлигининг таъкидлаб қўйилгани бежиз эмас. Шу боис ҳар бир таълим муассасаси раҳбари, педагог-ўқитувчилар ана шу вазифаларни менинг стратегик вазифам, деб тушуниши талаб этилади.

**Яъни, "Мен раҳбарлик қилаётган мактаб, синф ўқувчиларининг жисмонан саломатлиги қай даражада?", "Мустақил фикрлаш даражаси қандай?", "Ватанга содиқлиги қай даражада?", "Неча фоизи қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга?", "Ўқув йилининг ўтган даврида ўқувчиларда бу кўрсаткичлардаги ўзгаришлар қандай бўлди?", деган аниқ саволлар қўйилади. Ана шунда илмий-методик хизматлар бу натижаларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишади.**

Услубий семинар, малака ошириш тизимларида ушбу мезонлардан қандай фойдаланиш ўргатилади. Қоғозбозлик, расмиятчилик, хўжакўрсинлик, кампаниячилик каби иллатлардан воз кечилади. Натижада тизимда стратегик вазифаларнинг аниқ, якдил тушунилишига эришилади. Ишлар тўла тизимлилик, натижадорлик тамойиллари асосида амалга ошади. Бу якдиллик 2017 йил Давлат дастурининг ёшлар тарбиясидаги муваффақиятини белгилайди.

**Ҳаракатлар стратегиясида ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш вазифаси белгиланган.**

Бунинг учун, аввало, ҳар бир таълим муассасаси раҳбари бу стратегик вазифани ўз иш режасининг асосий банди этиб белгилаб олиши керак. Ҳар бир ўқувчи, талаба билан мулоқот қилиб, ота-оналар, ҳамкорлар, иш берувчилар билан доимий шуғулланиб, унинг келажагини бирга режалаштириши, уни қизиқтириб, илҳомлантириши ва малакали мутахассис сифатида етишиб, ишли бўлишининг кафолатини таъминлаши керак. Ана шунда бу борадаги мавҳумлик, "бир гап бўлар"чилик, қоғозбозлик, қўшиб ёзишларнинг олди олинади.

Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизнинг Инсон капиталини бойитишга ҳам қаратилган. Унда ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш масалалари кўзда тутилган. Бу чораларда Ўзбекистон ёшларининг, демак, ҳар бир ота-онанинг кўнглидаги орзу-ҳавaслари акс этган.

## Икки йўл

Давлат дастурида "ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш" масаласи алоҳида банд этиб белгиланган. Халқимиз бу масала нечоғлик муҳимлигини Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасидан яна бир бор чуқур англади. Президентимиз миллий тарбиямиз дарғаларидан бири Абдурауф Фитратнинг бир фикрига эътибор қаратдилар: **"Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ".** Президентимиз бу педагогик фикрни олтинга тенг деб баҳолади. Бу бежиз эмас.

**Давлатимиз раҳбари бу билан миллатни икки тақдирга элтувчи икки йўлни кўрсатиб берди. Биринчи йўл — бахт, иккинчиси — бахтсизлик йўли. Гап 20–30 йилдан кейин ҳаёт майдонига кирадиган бизнинг болаларимиз ҳақида, халқимизнинг 20–30 йилдан кейинги аҳволи ҳақида кетмоқда. Ота-оналар ўз жигарбандларини тарбиялаш билан ўзларининг давлат олдидаги стратегик вазифаларини бажарадилар.**

Натижада яхши тарбияланган авлод ҳаракат қилиб, ўзининг аниқ мақсадига етади. Бадавлат, бахтли, иззат-ҳурматли, жаҳонгир, яъни жаҳонга машҳур бўлади. "Менинг ишим болани боқиш. Катта бўлса, одам бўлар", дейдиган ота-оналар эса халқимизнинг заиф, хор, зор, бахтсиз, эътиборсиз, бировларга тобе, қул бўлишига йўл қўйиб беришади. Афсуски, биз иккинчи йўл — мустамлакалик азобларини тотиб кўрган халқмиз.

Президентимизнинг юксак минбардан туриб айтган даъватлари бизнинг мустамлакаликка тушиб қолганимиз нафақат босқинчиларнинг ёмонлигига, балки ўзимизга, ўша даврлардаги тарбиявий хатоларимизга ҳам боғлиқ эканлигига инонтирди. Давлатнинг мағлубияти тарбияга эътиборсизликдан бошланишидан огоҳлантирди. Бу ҳар бир ота-онани огоҳ қилмоғи керак. Фарзанд тарбияси шахсий иш эмас, балки Ватан олдидаги бурч эканлигини ҳар куни эслаб қўйишимизни тақозо қилади.

**Кўпчилик ота-оналар бола тарбиясини биламиз, деб ўйлашади. Бу фикрнинг тўғрилигини аниқлаш учун ўзимизга "Мен тарбиянинг қайси усулларини қўллаяпман?", деган саволни бериб кўрайлик. Бир қўлимизнинг бармоқларича бормикан санаганларимиз? Ваҳоланки, товуқ боқиш, газдан, кредитдан фойдаланишнинг усулларини мутахассисдан бориб сўраймиз. Уларнинг маслаҳатларини оламиз. Бироқ боламиз ўғри ёки ёлғончи бўлса, бетимизга тик қараб ўшқирганида ҳам нега бундай бўлди, нима қилай, деб педагог-психологлардан сўрамаймиз.**

Бу бизнинг товуқ боқиш, газдан, кредитдан фойда олишни бола тарбиясидан кўра муҳимроқ, фойдалироқ, деб билишимизни кўрсатади. Демак, моҳир педагог ва психологларни дўст тутиб, оиламиздаги тарбия муҳитини таҳлил қилдириб, маслаҳатларини олиб, уларга амал қилсак, нафақат болаларимизнинг, балки Ватанимиз келажагидан хотиржам бўларканмиз. Меҳмондорчиликларда, суҳбатларда, чойхоналарда бола тарбияси тўғрисида ҳам гап очиб, тажриба алмашиб, мактаб, коллеж, маҳалла билан ҳамфикр яшашимиз керак экан. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури биздан ўз болаларимиз тарбиясига Ватан олдидаги бурч деб қарашимизни талаб қилмоқда.

## Янги методология

Ўзбекистонни 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ўзида тарбия соҳасига ёндашувларнинг янги методологиясини белгилаб берди. Бу ёндашувни Президентимизнинг сайловчилар билан ўтказган учрашувларида халқимиз қизғин қўллаб-қувватлади. Жумладан, 2016 йилнинг 23 ноябрь куни Тошкент шаҳар сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашувда қуйидаги вазифа ва фикрлар айтилди:

**Таълим-тарбияни кучайтиришимиз керак.** Ёшлар билан амалий ишлашнинг жорий ҳолати талабга жавоб бермайди. "Ёшлар билан ким ишлаяпти? 30 фоиз ўқувчилар коллежларга келмаяпти. Ўқишга киролмаган ёшлар билан ҳеч ким ишламаяпти". Афсуски, бу аччиқ ҳақиқатнинг мисоллари, оқибатлари ҳам кўп.

**Таълим-тарбия усулларини қайта кўриб чиқишимиз зарур. Болаларимизда мураккаб вазиятларда тўғри ечим, қарорлар қабул қила олиш кўникмаларини шакллантиришимиз керак. "Биз ёшларимизга "Сен тарихимиз ҳақида 20 та нарсани карра-каррадек билишинг керак, дея олишимиз керак. Бу ишларни ҳозир қилишимиз керак...". Бу фикр ҳар бир ўқитувчи, мураббийдан ўз ишини танқидий кўриб чиқишни талаб қилади. Нима учун?**

Бу фикрнинг аҳамиятини англаш учун бир педагогик вазиятни кўз олдимизга келтирамиз: Сиз 8-синфга кириб, "Сиз Ватан олдидаги қандай бурчларингизни биласиз?". "Ота-онангиз олдидаги қайси бурчларингизни биласиз?", деб сўрасангиз, турли жавобларни оласиз. Лекин 8 га 8 ни қўшсак, неча бўлади, десангиз, ўқувчилар хор бўлиб, якдиллик билан "Ўн олти!", деб мағрур жавоб беришади. Нега шундай? Чунки 8+8=16 да, аниқлик таъминланган. "Ўзбекистон ёшларининг Ватан олдида қандай бурчлари бор?", деган саволга жавобда эса шу аниқлик йўқ. Нега? Чунки шу пайтгача тарбиявий ишлар тизими олдига аниқлик, кафолатни таъминлаш талаби қўйилмаган. Демак, биз зудлик билан тарбиявий ишларимизни мавҳумликдан тозалаб, аниқлик сари интилишимиз керак. Токи фарзандларимиз ўзларининг Ватан олдидаги бурчларининг дастлаб лоақал 3 тасини, кейинги йил 5 тасини аниқ, якдиллик билан мағрур "карра-каррадек" билсин, амалда қўллашга тайёр бўлсин. Ана шунда бу аниқ билимлар эртага уларнинг ҳаётда турли вазиятларда иккиланмасдан, тўғри қарор қабул қилишларида мадад бўлади. Диний экстремизм, терроризм ва бошқа ёт ғояларга ҳеч иккиланмай, мардона қарши туришларига, гўзал хулқига асос бўлади. Ёмон ўй ва ишлардан тўхтатади – "ишлайди".

Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасининг ўз маҳсулотига қўядиган стандарт талаблари бор. Таълимда ҳам. Лекин тарбияда-чи? (Педагогика ва психологиядан узоқроқ кишилар "Ҳа, энди ўзига инсоф бермаса, тарбиялаш қийин", дейишади. Бу 100–200 йил олдинги фикр. Ҳозир — XXI аср. Астойдил киришилса, у ёки бу фазилатни 21 кунда одатга айлантириш, 40 кунда бола хулқига бир умрга муҳрлаб қўйиш технологиялари ишлаб чиқилган). Тўғри, инсонга хос минглаб фазилатлар бор. Лекин шулардан 5–10 тасини кафолатли, мақсадли, ишончли, Президентимиз халқона қилиб тушунтирганларидек, карра-каррадек билишларини кафолатлашимиз шарт. Токи биз ёшларимизга "Сен Ватанинг олдидаги 5 та, ота-онанг олдидаги 5 та бурчингни карра-каррадек билиб, қўллашинг керак", дея олишимиз лозим. **"Бу ишларни ҳозир қилишимиз керак...".** Бу билан Президентимиз бизга тарбиявий кафолат принципини белгилаб берди.

Мутахассисга берилган диплом — унинг давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма, малака ва компетенцияларини кафолатлайди. Аммо таълим тарбия билан уйғун олиб борилмаса, мутахассис "билимлиноинсоф"га айланиши мумкин. Афсуски, бунинг мисоллари ҳаётда учраб турибди.

***Бир нуроний меҳнат фахрийси ҳикоя қилади: Ўтган йили шифохонада даволандим. Кўзларим шамоллаган эди. Дўхтир кўзимга 2 хил томизғи дори ёзиб берди. Ҳамширалар дорини томизишди, лекин кўзимнинг шамоллаши ўтмаяпти-да. Шу десангиз, ҳамшира қизларимнинг тутумига тушунмадим.***

*Биринчи куни ҳамшира қиз келиб, чиройли салом бериб, кўзларимга икки хил доридан 2 томчидан томизиб, устидан дарров пахтани босди. Кейин жилмайиб, "Мана, амаки, ушланг. Чиройли қилиб қўйдим, дори юзингизга оқмайди", деб, ҳўл пахталарни қўлимга бериб, чиқиб кетди.*

*Иккинчи куни бошқа ҳамшира келди. У аввал қўлимга пахталарни тутқазди. Кейин икки хил дорини томизиб, "Амаки, оқса, артиб оларсиз. Ҳўпми?", деди. "Ҳўп", деб, айтганини қилдим.*

*Учинчи куни келган ҳамшира икки қўлимга пахта тутқазиб, биринчи доридан икки томчидан томизди. Кейин "Амаки, иккинчи дорини 5 минутдан кейин томизаман", деб чиқиб кетди. 5 минутдан кейин келиб, айтганини қилди.*

*Мен бундан ҳайрон бўлдим. Бир шифокорга бўлган воқеаларни айтиб, сабабини сўрадим. Врач менга: "Амаки, кўзга томизилган дори сўрилиб, фойда қилиши учун вақт керак. Иккинчи дори 30 минутдан кейин томизилади", деди. "Унда нега уч ҳамшира уч хил томизди?", деб сўрадим. "Э амаки, содда экансиз-да. Уларга билим берилган, лекин тиббиёт ходими маънавияти, инсоф, масъулият, виждон тарбияланмаган. Учаласи ҳам "30 минутдан кейин яна қайтиб келиб, овора бўлиб ўтираманми", деб, эриниб, шундай қилган. Чунки кўзингизга шифо бўлсин, деб шифокор ёзиб берган ва томизилган икки хил дориларни шу заҳоти пахта билан артиб ташлаган. Ёки икки хил дорини кетма-кет томизиб, қоидани бузиб, дориларнинг таъсирини йўқотишган. Натижада сизнинг кўзингиз тузалмай, давлат пулига келган дорилар увол бўлибди. Кўрдингизми, маънавият, инсоф, масъулият, виждон сусайса, кўзбўямачилик, "қилдингми-қилдим", деган расмиятчилик болалайди. Одам ишлаётгандек кўринади, лекин натижа бўлмайди", деди.*

Мана шу бир қараганда беозоргина кўринган мисол ҳам Президентимиз айтган **Таълим-тарбияни кучайтиришимиз керак**лигини талаб қилади.

## Бола бахт учун туғилади

**Ҳеч бир бола жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчи ким? У — ўзимизнинг боламиз, ўзимизнинг боғча, мактаб, коллежларни битирган. Биз — жамоатчилик уни тарбиявий, маънавий-мафкуравий эътибордан четда қолдирганимиз, тарбиявий, педагогик профилактик лоқайдлигимиз учун ўсмирнинг мафкураси бузилди. Ўзи туғилиб ўсган, тузини еган Ватани, маҳалладоши, ҳамқишлоғининг манфаатига, жонига, мулкига тажовуз қилди. Шу ўринда "Ҳарбий тайёргарлик муҳим, лекин ўқни қаёққа қараб отишни мафкура ҳал қилади", деган машҳур ҳикмат ёдга тушади.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида яна бир бор жамоатчилик эътиборини бу иллатнинг олдини олишга, "жиноятчиликни жиловлаш"га қаратди. Яъни, жамиятнинг педагогик маданият ва профилактик масъулияти қанча ошса, жиноятлар сони шунча камаяди. Ҳеч ким боласи жиноятчи бўлишини хоҳламайди-ку?!



Шу йил 9 февраль куни ўтказилган видеоселекторда Президентимиз жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактик ишларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан бирга кенг жамоатчилик вакилларини ҳам жалб қилиш зарурлигини таъкидлаб, ҳафтанинг пайшанба кунини "Профилактика куни" деб эълон қилишни таклиф этди. 16 февраль куни ўтказилган "Профилактика куни" Самарқанд вилоятида 511 умумтаълим мактаби, 108 касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда ўқувчилар давомати ўрганилди. Ўрганиш натижасида болалари дарсларга сабабсиз қатнашмаётган, мунтазам дарс қолдираётган 79 ота-она ва таълим муассасасининг 16 нафар ўқитувчи ва мураббийларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга биноан тегишли чоралар кўрилди. Таълим муассасаларида ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан учрашувлар ташкил этилиб, тушунтиришлар ўтказилди. Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг келиб-кетишини қайд қилувчи "SMS-турникет" қурилмаси ва видеокузатув мосламасини ўрнатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Мана шу мисолнинг ўзи ҳам Давлат дастурида белгиланган "ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш" масаласи қанчалар долзарблигини кўрсатади. Ўзингиз ўйланг: бир кунда, Самарқанд вилоятида 79 нафар Ўзбекистон фарзанди бахтсизликка элтувчи йўлдан тўхтатилди. Бахт йўлига солинди. Республикамиз бўйича қўшиб, ҳафталар сонига кўпайтириб борсак, минглаб масъулиятсиз ота-оналар, ўқитувчилар ўзларини тез тузатиб олишгани маълум бўлади. Демак, давомат муаммоси йўқолади. Бу билан 1, 3, 5, 10, 20 йилдан кейин содир бўладиган жиноятларнинг олди олингандир! Бу борадаги педагогик профилактик ишлар самараси қанча ошса, жиноятчилик шунча камайиб боради. Халқимиз тинч, хотиржам, бахтли яшайди.

## Қиссадан ҳисса

Бу улуғ йўлда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида кўрсатиб берилган қуйидаги аниқ, амалий йўл-йўриқлар ҳар бир устоз-мураббий ва ота-онага дастуриламал бўлиши керак:

- Ҳар биримиз маҳалла, хотин-қизлар, нуронийлар ташкилотларида фаол қатнашишимиз, болаларимизнинг эса ёшлар ташкилотларида фаол қатнашишини тайинлаб туришимиз зарур.
- Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бормоқда. Бу таҳдидлардан ҳар бир устоз-мураббий, ота-она огоҳ бўлсин.
- Таълим муассасаларида, хонадонларда ёшлар тарбияси масаласи ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмасин.
- Ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очилмоқда. Уларни ҳар бир устоз-мураббий ва ота-она яхши билсин, ёшларга тушунтириб борсин.
- Ёшлар илгари кўрилмаган, турли ёвуз хавф-хатарларга дуч келишлари мумкин. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Ҳар бир ота-она, устоз-мураббий, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёр ва огоҳ бўлсин. Болаларимизни бировлар эмас, ўзимиз тарбиялашимиз лозим.
- Устоз-мураббий ва ота-оналар ёшлар билан кўпроқ гаплашсин, уларнинг қалбига қулоқ солсин, дардларини билсин, муаммоларини сўрасин, уларни ечиш учун амалий кўмак берсин. Айниқса, ҳаётда ҳозирча ўз ўрнини топа олмаган, ишламай юрган ёшларга ота-оналари алоҳида эътибор қаратишлари зарур.
- Ёшлар тарбиясида асрлар мобайнида шаклланган миллий тарбиямизга, анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянишимиз зарур.
- Ҳар бир ота-она ўз фарзандлари, айниқса, қизларининг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларини ишга солиши керак.
- Ёшлар билан "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунни ўрганиб, уларга қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва бурчларини тушунтирайлик.
- Болаларимизга юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик барчамизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини айтиб, уқтириб боришимиз керак.

**Муҳаммад ҚУРОНОВ,**
**педагогика фанлари доктори**

Ma'rifat
2017-yil 1-mart, № 17 (8978)

# Маънавият — инсон қадрининг мезонидир

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида нафақат ҳуқуқий демократик давлат, балки юксак маънавиятли жамият қуриш йўлида ҳам улкан натижалар қўлга киритилди. Мамлакатнинг маданий, маърифий, маънавий тараққиёти жадаллашди.

**Mutaxassis minbari**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида: "Энг аввало, ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш" кераклиги ҳақида билдирган фикрлари маънавият мавзусига янада жиддий эътибор беришга чорлайди.

Амалий кузатишлар шуни тасдиқлаяптики, айнан 25—40 ёшдаги шахсларнинг (улар ҳозирги кунда давлатимизнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучидир) миллий маънавиятимиз асосларини тўлиқ билмаслиги туфайли (касб маҳорати бўлишига қарамай) айримлари сабрсиз, жиззаки, муомала маданиятидан йироқ, катта ва кичикка муносабатда масъулиятсиз, ўзбилармон ва иродасиздек туюлади. Мана шу кемтикликларни тўлдириш учун маънавият масаласига эътибор қаратиш керак.

Касбим тақозосига кўра, ўқув муассасалари ва жамоат ташкилотларида талаба-ёшлар, ўқувчилар, турли касб эгалари билан суҳбатлашаман. Баъзан маъруза жараёнида тингловчиларга ўзбек маънавиятининг асослари бўйича оддий саволлар берилса ҳам жавоб олиш қийин кечади. Масалан:

— Ўзбекона маънавият ва маданият деганда нимани тушунасиз? Маънавиятнинг қандай категориялари (йирик тушунчалари) бор?

— Миллий ўзбекона маданият ва маънавият билан бошқа миллат — европача, шарқона маънавият ва маданият ўртасида қандай фарқ бор?

— Маърифат деганда нимани тушунасиз? Маънавиятга маърифат орқали эришиладими ёки маърифат орқали маънавиятга эришиладими?

— Ақл, ахлоқ ва одоб деганда нимани тушунасиз? Ақл ва ахлоқнинг қандай йирик категория ва турлари мавжуд?

Донишманд ва файласуфларнинг фикрича, маънавиятнинг турли категория, тур ва шакллари мавжуд. Маънавиятнинг замири ахлоқ, одоб, ақл, эстетик дид каби фалсафий қарашлар мажмуи ҳам дейилади. Биргина ахлоқни олсак, унинг ўзбек миллатига мансуб 180 дан ортиқ категорияси борлиги аниқланган. Ақлнинг эса 100 дан ортиқ категорияси мавжуд. Маънавиятнинг йирик категорияси ҳисобланган Ахлоқ ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг:

— адолатлилик;
— аҳиллик;
— бардошлилик;
— баҳамжиҳатлик;
— бамаънилик;
— барқарорлик;
— бирдамлик;
— боадаблик;
— ботирлик;
— бурчлилик;
— ватанпарварлик;
— вафодорлик;
— виждонлилик;
— дилкашлик;
— донолик;
— жадаллик;
— журъатлилик;
— заковатлилик;
— зеҳнлилик;
— иродалилик;
— иффатлилик;
— ихлослилик;
— камтаринлик;
— лаёқатлилик;
— малакалилик;
— малоҳатлилик;
— мардлик;
— масъулиятлилик;
— маҳоратлилик;
— меҳрибонлик;
— мулозаматлилик;
— назокатлилик;
— нафислик;
— номуслилик;
— ориятлилик;
— оқибатлилик;
— садоқатлилик;
— самимийлик;
— салоҳиятлилик;
— сахийлик;
— соддалик;
— поклик;
— субутлилик;
— талантлилик;
— уқувлилик;
— фаросатлилик;
— фаҳмлилик;
— фидокорлик;
— эътиқодлилик;
— қадр-қимматлилик;
— қобилиятлилик;
— қудратлилик;
— қунтлилик;
— ғайратлилик;
— ғурурлилик;
— ҳимматлилик;
— ҳис-ҳаяжонлилик

каби 180 дан ортиқ йирик тушунчаси бор. Ҳар бирининг ўзига хос таърифи ва ахлоқий муносабатларда тутган ўрни мавжуд.

Ахлоқ категориясидан биргина "қадр-қиймат" тушунчасини таҳлил қилсак. "Қани, айтинглар-чи, қадр-қиймат тушунчасида нима бирламчи, қадрми ёки қиймат?", дея аудиторияга мурожаат қилсам, кўпчилик қадр, деб жавоб беради. Кейин уларга, "Ўйлаб кўринглар-а, қиймат эмасмикан бирламчи? Чунки бир нарсанинг қийматини билмагунча қадрига етиш қийин бўлса керак, ё нотўғрими?" деб ҳаётдан, тарихдан мисоллар келтираман. Шундан сўнг уларнинг "қадр" тушунчаси моҳиятини англай бошлаётгани сезилади. Бу тушунчанинг мазмунини тўлиқроқ билиб олиши учун одамнинг қилган меҳнатини таҳлил қилиш, ҳар бир ҳодиса, жараённинг натижасини билиш, ҳаттоки ҳар бир товарни ишлаб чиқаришга кетган меҳнатнинг сарҳисоби асосида унга қиймат белгиланишини тушунтираман. Товарнинг қийматига кўра, қадрига ҳам етиш мумкинлиги англатилгандан кейин тингловчилар қадр-қиймат категориясини тўлиқроқ тушунади. Шу тариқа ҳар бир маънавий-ахлоқий категория таърифи билан таҳлил қилинганда тингловчилар онгига осон етиб борди.

Демак, ҳозирги кундаги асосий вазифамиз маънавий-ахлоқий, ақлий, эстетик ва этик қарашларнинг миллий асослари ҳақида янада кўпроқ илмий изланиш олиб бориб, шу ҳақдаги билимларни тўплаш, илмий-амалий тажрибаларга таянган ҳолда халққа, айниқса, ёшлар онгига мос қарашларни ишлаб чиқиб (керак бўлса, кўпроқ жонли мулоқот орқали ташвиқот қилиб), тарқатишдан иборат. Бунинг учун:

— ҳар бир касб эгаси учун алоҳида (ўз касбига мос келувчи) маънавий билим асослари: муомала маданиятидан тортиб, ўзаро ахлоқий, этик муносабатлар асослари кўрсатилган маълумотномалар ишлаб чиқиш;

— оддий мактаб ўқувчисидан бошлаб олий ўқув юрти талабасигача (ёшига қараб) билиши шарт бўлган маънавият асослари, диний, маънавий қарашлар ўртасидаги маълум фарқларни ифодаловчи — муҳим луғавий маънолардан тортиб, зарурий назарий қисмларгача ёритилган услубий кўрсатмаларни белгилаб бериш;

— турли маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари ходиму раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ишини маънавий жиҳатдан ташкиллаштириш йўллари ҳақида тавсияномалар яратиш керак.

Хулоса шуки, биринчидан, халқ дилига маънавият орқали кириш мумкинлигини ҳаёт исботлаб келмоқда; иккинчидан, халқ билан жонли мулоқот қилиш, маънавиятга оид савол-жавоблардан хулоса чиқаришни жорий этиш самара беришини амалиёт тасдиқлади; учинчидан, маънавият инсон қадрини улуғлайдиган буюк кучки, унинг маъносини уққан инсон ҳаётда адашмайди, халқ орасида катта обрўга эга бўлади, ўз қадрини билади.

**Саодат СУЛЕЙМАНОВА,**
**тарих фанлари номзоди, доцент**

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон таваллудининг 70 йиллигига бағишланган «Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал...» деб номланган адабий-бадиий кеча ўтказилди. Тадбирда шоир-ёзувчилар, адабиётшунослар, ҳажвчилар, шоирнинг шогирдлари ҳамда ўқувчилар қатнашди.***

## «Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал...»

Анвар Обиджон болалар адабиётига «Она ер», «Баҳромнинг ҳикоялари» тўпламлари билан кириб келди ва мавжуд анъаналардан фойдаланган ҳолда ўзига хос йўл танлади. Сўзга чиққанлар шоир ижодининг ўзига хослиги, шахсиятидаги самимийлик, соддалик, оққўнгиллик асарларига-да кўчганини таъкидлашди.

— Болаларга ёзадиган ижодкор эртанги кун кишиларини, юртимиз келажагини тарбиялайди. Шу маънода, Анвар Обиджонни миллат устози десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Катталардан кўра, болалар учун ёзиш мушкул ва масъулиятли, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик. — Анвар Обиджон ижодидан баҳраманд киши борки, унинг коса тагида нимкоса ҳикматлари лаззатини тотиб, завқ олади. Айниқса, шоирнинг машҳур қаҳрамонларидан бири Гулмат воситасида атрофимиздаги баъзи одамлар танқид остига олинади. Лекин кўпчилик бунинг танқид эканлигини пайқамайди. Боиси, шоир фикрларини кулгуга ўраб, кўнгилга ботмайдиган қилиб ифодалайди.

Тадбир сўнгида сўз олган Анвар Обиджон болажонлар кўпроқ мутолаа қилиши лозимлигини, китобхонлик инсонни кўзлаган марралар сари етаклашини таъкидлаб, ўқувчиларга китобларидан туҳфа қилди.

**Дилмурод ДЎСТБЕКОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

***Тошкент вилояти Ўртачирчиқ саноат ва сервис касб-ҳунар коллежида ўқувчиларни китобхонликка, айниқса, мумтоз адабиёт вакиллари асарларини мутолаа қилишга кенг жалб этиш мақсадида ғазалхонлик кечаси ўтказилди. Тадбир "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши ва тумандаги "Тонг" маданият ва аҳоли дам олиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

## Мутолаа маънавиятимизни бойитади



Тадбирда қатнашган адабиётшунос олимлар, ўқитувчилар алломаларимиз қолдирган бой маънавий меросни, мумтоз адабиёт намуналарини доимий мутолаа қилиб туриш маънавий билимларимиз юксалишида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидладилар.

Адабий кечада коллежнинг она тили ва адабиёт ўқитувчилари, адабиётга, шеъриятга қизиқувчи иқтидорли ўқувчилар Навоий ва Бобурнинг ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқиб бердилар. "Тонг" маданият ва аҳоли дам олиш маркази санъаткорлари томонидан ижро этилган мумтоз куй ва қўшиқлар тадбирга файз бахш этди.

**Дониёр МАМАТОВ,**
**коллежнинг "Ижтимоий фанлар" кафедраси мудири**

# Китобхон оила

***Тўрт ёшли Ҳабиба улғаяётган хонадонда китоб кўплигидан оёқ босадиган жойнинг ўзи йўқ. Сўзимнинг салгина муболағаси бордиру, аммо иложи топилган жойга китоблар тахлаб қўйилгани рост. Уч хонали уйнинг бир хонаси полдан шифтгача, жиҳозларнинг ост ва усталари, эшик ва ром ёнидаги бўш жой борки, миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналари, луғатлар, турли даврларга мансуб энциклопедиялар, ўқув қўлланмалари билан лиқ тўла. Ана шундай китоблар қуршовида, китобхонлар оиласида камол топаётган жажжи неваралар ҳам эркин фикрлайди, сўзларини дадил айта олади, эртаклар тўқийди.***

Сизда ҳам ушбу китобхон оила эгаларига қизиқиш туғилган бўлса, ажабмас. Бу — журналист Маҳмуд Саъдийнинг хонадони. Айтишларича, устоз уйланганида уйдаги китобларнинг кўплиги меҳмонларни лол қолдирган экан.

— Инсондаги яхши фазилатлар ҳам, ёмон хислатлар ҳам қонга, наслга боғлиқ, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Саъдий. — Демак, илмга, китобга муҳаббат ҳам аввало қондан ўтади. Агар қайси оилада китобхонлик, китобга меҳр кучли бўлса, бу ўша оилада туғилган фарзандларда ҳам шаклланади.

Устоз наздида ўзини билган, ўзлигини англаган ҳар бир оилада китобхонлик муҳитини яратиш, китобхонлик руҳи ҳукмронлик қилиши шарт!

— Ота-она болани китоб ўқишга ўргатишда даставвал ишни нимадан бошлаши керак? — деб сўрайман.

— Болага гўдаклигида гўзал аллалар айтилса, уйда миллий мусиқа доим янграб турса, янаям яхши, — дейди у. — Кейинчалик болаларнинг тили чиқиб, эсини таний бошлагач, эртаклар, ҳикоятлар, ривоятларни овоз чиқариб, ифодали ўқиб бериш зарур. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқ оғзаки ижоди намуналари — термалар, қўшиқлар, эртаклар, мақол-маталлар, достонлар ҳар бир хонадонда бўлиши керак ва тез-тез уларни ўқиб, ота-она болалар билан тенгма-тенг суҳбатлар ўтказиб туриши лозим. Буларнинг ҳаммаси китобхонлик муҳитини яратади.

Демак, болаларга ёшлигидан достон ва шеърлар ёдлатиш яхши самара беради. Бола уларни ҳали яхши тушунавермас, аммо улғайиб боргач хотирасидаги битиклар моҳиятини англаб етади. Улуғ аждодларимиз — тарихий шахслар ҳақида ҳам вақти-вақти билан тушунарли қилиб гапириб бериш болани миллий қадриятлар, Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Ҳар бир хонадонда оила кутубхонаси (албатта, улар кўргазма учун эмас) бўлиши шарт. Унда ўзбек халқ оғзаки ижоди, тарихий асарлар, мумтоз ва ҳозирги замон адибларининг асарлари, турли луғатлар, қомуслар бўлиши мақсадга мувофиқ. Халқнинг, миллатнинг ўзлигини англашида халқ оғзаки ижоди намуналарининг аҳамияти тенгсиздир.

— Менинг биринчи ўқитувчим — отам Холиқул Саъдин ўғли Бухорода мадрасани тугатиб келиб, қишлоғимизда болаларни ўқитган, — дея ҳаётида китобларнинг ўрни нақадар буюк эканлиги ҳақида сўз юритади устоз. — Уйимизда бир сандиқ китоб бўларди. Баъзан кечкурунлари қишлоқдошлар йиғилишар, отам китоб ўқиб берганда айримлари таъсирланиб, йиғлаб ўтирарди...

Маҳмуд Олтиўғил қишлоғидаги кутубхонага қатнаб, дастлаб кичик-кичик китобларни ўқирди. Эллигинчи йилларнинг бошларида, IV синфни тамомлаётган пайтида Ойбекнинг «Навоий» романини ўқиш учун қўлига олган эди, кутубхоначи: «Бу китоб сенга ҳали оғирлик қилади», деди. Ўқувчисини яхши билган адабиёт муаллими

## Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

Хўжаёр Назаров эса Маҳмуднинг ёнини олиб, унга китоб мутолаасига рухсат берди.

— Қизиқ, ўша пайтлари одамлар орасида ёш бола катта китоб ўқиса, мияси суюлиб қолармиш, деган гаплар юрарди, — дейди суҳбатдошим. — Кутубхоначи балки ана шу миш-мишларга ишонганидан менга эътироз билдиргандир... Хуллас, мен «Навоий» романини ўқиб чиқдим ва бу асар менга жуда қаттиқ таъсир қилди.

Миркарим Осимнинг «Ўтрор» қиссаси ва «Навоий» романи ёш Маҳмуд қалбига ўчмас ёғду таратди. Синчиклаб ўқиш натижасида романнинг кўп саҳифалари ёд бўлиб кетди. Мутолаа завқи бир умрга қалбда ўчмас из қолдирди. Кунлар, ойлар, йиллар ўтгани сари Маҳмуднинг шахсий кутубхонасида китоблар сони ортиб борарди. Унинг ўқувчилик пайтидаёқ мўъжазгина кутубхонаси бор эди. Ҳозирги кунда устоз кутубхонаси тобора бойиб, китоблар сони 30—35 мингтага етган. Бу инсон қаерга бормасин, китоб сотиб олишга ҳаракат қилади. Фарзандларидан ҳам қандай китоб олиб келганини сўраш одатига айланган. Китобларни секингина сирли тарзда сизларга бу китобни ўқиш мумкин эмас, дея беркитиб қўйиши отанинг ёш фарзандларда китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш мақсадида қўллаган ўзига хос усулидир. Бугунги кунда фарзандлари жамиятимизга фойда келтираётган инсонлар бўлиб улғайди. Темур ҳуқуқшунос, Жамшид дизайнер, Жалолиддин журналист, Муслима эса шарқшунос-тарихчи бўлиб етишди...

Устозни китобсиз юрган ҳолда учратиш қийин. Адиб Омон Мухтор айтганидек, кўча-кўйими, ҳаттоки бирон тўй ёки маросимми, китоб қўлтиқлаб келган кишини кўрсангиз, билингки, бу — Маҳмуд Саъдий. Китоб бу инсон вужудининг «ажралмас бўлаги»га айланиб кетган. Ёки яна бир ёзувчи таърифича, ҳар куни овқатланмаслиги мумкин, лекин албатта китоб сотиб олади... Шундан бўлса керак, устознинг дунёқараши дарёдай кенг, фикр-мулоҳазалари чуқур, зилол сувдай тиниқ ва теран.

— Мунисага хитой тилидан бирон нарса таржима қил-чи, десам бинойидек таржима қилипти, — деди суҳбатдошимизнинг бирида устоз. Очиғи, уларнинг келинига бўлган бундай муносабатини кўриб тўлқинланиб кетасан киши. Фақат, оилада эмас, балки жамият ўртасида илм-маърифатни, китобхонликни тарғиб қилиш, одамларни саодатга чорлаш унинг қон-қонига сингиб кетган.

— Халқимиз мамлакатимизни дунёнинг тараққий этган давлатлари қаторида кўришни истайди, — дейди суҳбатдошим. — Бунинг учун ёшлар маърифатли, билимли, маънавий олами бой бўлиши шарт. Болада, ўсмирда китоб ўқиш кўникмасини шакллантиришнинг усулларидан бири, такрор бўлса-да, айтаман, аввало, ота-она китоб ўқиши, оилада китобхонлик муҳити бўлиши керак. Ота-она бордию нобоп, ўқишни эмас, маишатни яхши кўрса, у ҳолда масъулият болалар боғчаси, мактаб зиммасига тушади. Демак, тарбиячиларнинг, ўқитувчиларнинг ўзлари китобни севадиган бўлиши лозим. Олий мактаб талабада китоб мутолааси кўникмасини тарбиялаши керак. Бошқача айтганда, оила, боғча, мактаб қилмаган ишни ҳам олий мактаб бажаришига тўғри келади...

Фарзандларимиз фақатгина халқимизнинг эмас, балки жаҳон халқлари тарихини ҳам билмоғи лозим. Тарбиявий-ахлоқий мавзулардаги китобларни ўқиш инсон камолотида муҳим ўрин тутади. Асрлар оша сараланиб келаётган дунё адабиётининг нодир асарларини мутолаа қилиш инсонга руҳий озуқа беради, эстетик завқ бағишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши халқимиз орасида китобхонликни тарғиб этишга хизмат қилаётир. Унда кўтарилган масалалар умр мазмунини китоблар орқали англаган Маҳмуд Саъдийдек зиёли, маърифатли, китобсевар инсонлар кўнглини тоғдек кўтарди. Зеро, маърифатли инсонгина ўзини англаб яшашга қодирдир.

**Моҳигул ҚОСИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# Одобга чорлайдиган хазина

**— Инсонни куйдириб, кул қилувчи туйғу қайси? — ўқувчиларга юзланди шоир.**

**— Ҳасад, — кўплаб вариантлардан кейин ўқувчилардан бири жавоб берди.**

**— Инсон учун энг қийин кундалик вазифа нима?**

**— Қалбга йўл топиш, — зал тўла ўқувчилар орасидан жавоб эшитилди.**

Чилонзор туманидаги 181-умумтаълим мактабида "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остидаги китобхонлик байрами ана шундай жонли ва интерфаол мулоқотга бой ўтди. Таниқли шоир ва ёзувчилар, ноширлар, журналистлар, маҳалла фаоллари, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этган тадбирда мутолаага ундовчи шеърлар ўқилди, китоб қалбларга йўл топиш воситаси экани таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Рустам Мусурмон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёшлар билан ишлаш бўйича адабий маслаҳатчиси Фароғат Худойқулова, "Ижод-пресс" нашриёти масъул муҳаррири Азамат Қоржов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши аҳамияти, ёш авлод камолотида китобнинг ўрни хусусида сўз юритди.

Мактаб фойесида ташкил этилган "Менинг севимли китобим" мавзусидаги китоблар тақдимоти ва ярмаркаси тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— Китобни синчиклаб ўқишга ҳаракат қиламан, — дейди 181-мактабнинг 6-синф ўқувчиси, тадбир доирасида ўтказилган "Энг яхши китобхон ўқувчи" танлови ғолиби Акбар Мусаев. — Устозларимиз бизга комил бўлиб улғайиш учун одобли, хушмуомала, камтар ва албатта китобхон бўлиш зарурлигини уқтиради. Шундан келиб чиқиб, тақдимотим мавзусини "Китоб — хазина" деб номладим.

Тадбир давомида мактабнинг "Театр" тўгараги аъзолари ижросида "Зумрад ва Қиммат" спектакли намойиш этилди.

Китобхон ва билимдон ўқувчиларга китоб совға қилинди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

*Ички ишлар вазирлиги академиясида "Китобхонлик маданиятини юксалтириш — замонавий етук кадрлар тайёрлашнинг муҳим омили" мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.*

# Китоб қалбни, маданиятни юксалтиради

Тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, ноширлар, юристлар, вазирлик тизимида хизмат қилаётган офицер ва сержантлар ҳамда академия тингловчилари иштирок этди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг "Умидлар дашти", "Шайтанатнинг жин кўчалари" асарлари ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор Мирзаюсуф Рустамбоевнинг "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар"и тақдимоти ўтказилди.

Сўз олганлар мутолаа ҳар биримиз учун зарурий эҳтиёж экани, китобхонлик маданияти аввало оилада шаклланиши ҳақида таъкидлаб, бўлажак ҳуқуқшунослар фаолиятида ҳам унинг ғоят муҳимлиги хусусида гапирдилар.

– Китобни офтобга менгзашади, — дейди ёзувчи Тоҳир Малик. – Қуёш нури етиб борган жойлар бирдек ёришганидек, китоб кириб борган хонадон, кўнгиллар ҳам нурафшон тортади. Бўлажак ҳуқуқшунос, қонун посбонлари учун, уларнинг келгусида адолатли фаолият юритишида, мавжуд вазиятларда оқилона қарор қабул қилиб, тўғри тадбир олиб боришида мутолаа қўл келади. Қолаверса, бугун оила, фарзанд таъминоти дейилганда фақат моддиятни тушунмаслик керак. Бунда болага руҳий озуқа бериш, қалбни маънан юксалтиришни кўпроқ назарда тутган маъқул.

**Дилмурод ДЎСТБЕКОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

Bilasizmi?

# Қомусий билимлар хазинаси

***Уйғониш даври илм-фан ва маданият ўчоқларидан бири бўлган Англия кутубхоналари битмас-туганмас маънавий хазинани ўзида жамлаган. Ўша даврдаёқ Англия бутун Европага университет ва коллежлари билан машҳур эди. Бу муассасаларни эса кутубхоналарсиз тасаввур қилиш мушкул.***



Оксфорд университети Англиянинг Оксфорд шаҳрида (Лондон шаҳридан шимоли-ғарбда, Темза дарёси бўйида) жойлашган. «Oxford» сўзи инглиз тилида «буқа шохи» деган маънони англатади. Шаҳарга оид қўлёзмаларда олий ўқув юрти тахминан XI асрда ташкил этилгани тилга олинган.



Инглиз готика услубида қурилган университет биноси ҳозир ҳам шаҳар қиёфасига ўзгача файз ва кўркамлик бағишлаб туради. Бу ерда жойлашган кўплаб меъморий ёдгорликлар, театр, музей иншоотлари қаторида университет кутубхонаси алоҳида ўрин эгаллайди.

## Китоблар нега занжирланган?

Бодлиан Оксфорд университети кутубхонаси бўлиб, унда Буюк Британиядаги энг нодир китоблар сақланади. Расман 1610 йилдан буён мамлакатдаги барча нашриётлардан янги китоб нусхасини олиш ҳуқуқига эга бўлган ушбу масканнинг номи қиролича Елизавета даврида Германия, Нидерландия, Дания билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйган сер Томас Бодли шарафига қўйилган. Муассасанинг ташкил топишида муҳим роль ўйнаган епископ Томас де Кобем китобларнинг бинодан ташқарига олиб чиқиб кетилишини таъқиқлаш мақсадида университет олдида бинога занжирлар ёрдамида маҳкамланган китоблар жамланмаси макетини яратган.

1410 йилда университет ҳудуди кенгайтирилгач, кутубхона бутунлай университет тасарруфига ўтгани боис зиё масканига герсог Хамфри Глостерский масъул этиб тайинланган. Унинг саъй-ҳаракатлари эвазига 1450 йилда кутубхона кенг, шинам ҳолатга келди ва ҳозиргача сақланиб қолган. Тюдорлар ҳукмронлиги (Эдуард VI) даврида кутубхона аянчли даврни бошдан кечирди. Деярли барча китоблар тарқатиб юборилди, ҳатто китоб жавонлари сотувга қўйилди.

1602 йилда Томас Бодли кутубхонани қайта шакллантирди, ҳатто унга ўзининг китоблар коллекциясини ҳам қўшди. Бундан ташқари, у китобларни асосан Туркия ва Хитойдан сотиб олиб келган.

Кутубхона қайдларида ёзилишича, ҳар бир фойдаланувчи аъзолик пайтида ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя этишга, бинони ифлос қилмасликка ва ҳеч нарса олиб кетмасликка ўз она тилида қасамёд қилиши шарт бўлган. Зиё маскани бўйлаб тез-тез ўтказиб туриладиган экскурсия вақтида ҳам шундай маълумотларни эшитиш мумкин.

Бугунги кунда кутубхона Брод кўчасидаги 5 та бинода фаолият олиб боради. Шунингдек, унинг филиаллари Оксфорддан бошқа шаҳарларда ҳам хизмат кўрсатади.

## «Кем дарёсидаги кўприк»

Кембриж университети олий ўқув юртлари бўйича дунё рейтингида Оксфорд университетидан кейинги, қадимийлиги жиҳатидан эса 6-ўринда туради. XIII асрдан то XIX асргача Англияда Оксфорд ва Кембриждан бошқа университет бўлмагани боис бу икки олий ўқув юрти олти аср давомида ўзаро кучли рақобат ва ўз ўрнида ҳамкорликда такомиллашиб борган.

1209 йилда маҳаллий аҳоли ўртасидаги низолар сабабли Оксфорд университетини тарк этган олимлар томонидан тузилган ушбу университетнинг ички тартиб-қоидалари 1214 йилда ишлаб чиқилган. Кембриж университетига кирган ҳар бир талаба кўп асрлардан бери давом этиб келаётган анъаналар иштирокчисига айланади. Мисол учун, энг суст ўзлаштирувчиларга ёғоч қошиқ берилади. Ўқув юрти ошхонасига талабаларнинг мажбурий форма — кулранг костюм, талабалик мантияси ва шакли тўртбурчак кисточкали шапка билан кириш одати ҳозиргача сақланиб қолган.

Кембрижнинг илк талабаларига фалсафа, мантиқ, математика ва классик тиллар ўргатилган. Кейинчалик улар рўйхатига бир нечта аниқ ва гуманитар фанлар ҳам қўшилган. Университетнинг энг қадимги биноси Пифагор мактаби бўлиб, у университетга асос солинишидан аввалроқ, 1200 йилда қурилган. Университетда замонавий нуклеар физика кашфиётчилари Эрнест Резерфорд, Н.Бор, Ж.Оппенгеймер, қолаверса, Ж.Максвелл, П.Дирак, Ж.Томсон тадқиқот ишларини ўтказиш баробарида талабаларга дарс берган. Бу масканда ўрта асрларнинг машҳур олимлари Исаак Ньютон, Френсис Бекон таҳсил олган.

Кем дарёсини кесиб ўтгани боис шаҳарнинг номи «Кем дарёсидаги кўприк» деб таржима қилинади. Дарё бўйида жойлашган таълим муассасаларининг ўз кўприги ва қайиқлари бор. Кембриж 150 та факультет, кафедралар, 6 та алоҳида мактабларга бўлинган санъат, биологик фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар, физика фанлари, технологиялар илмий марказлари ва қатор институтлардан иборат. 2011 йилда бюджети 4 миллиард фунтни ташкил қилиб, Европанинг энг бой университетига айланган бу даргоҳда филология, педагогика, мусиқа, шарқшунослик, иқтисод, сиёсат, тарих, ҳуқуқ, фалсафа, муҳандислик, геология, география, математика, физика, кимё, археология, биология, тиббиёт, антропология ва бошқа ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Ўқув йили уч семестрга бўлинган: миклмас (октябрь–декабрь), лент (январь–март), истер (апрель–июнь). Ҳар бир семестр 8 ҳафтани ташкил этиб, Буюк Британиянинг бошқа университетларидан фарқ қилади. Лекин талаба семестрлар оралиғидаги таътил пайтида мустақил равишда фаол шуғулланиши лозим. Битирув маросими Сенат биноси (Senat House)да бўлиб ўтади.

Кембрижнинг маърифат масканлари талаба-ёшлар, китобхонлар оммасининг доимий гавжумлиги жиҳатидан Оксфорддан қолишмайди. Университетда 114 та кутубхона мавжуд. Энг асосийси университет кутубхонаси ҳисобланади. У ерда турли тилларда ёзилган 8 миллиондан зиёд китоблар ва 5 миллиондан ортиқ асар сақланади. Кембрижширграфлигида жойлашган ушбу зиё масканининг бошқа кутубхоналардан фарқи — ўкувчининг хоҳлаган китобини ўзи билан бирга олиб кетишига рухсат берилишидир. Мижозларга «Hinc lucem et pocula sacra!», яъни «Бу ердан биз ёруғлик ва қимматли билим таратамиз!» шиори остида хизмат кўрсатилади. Шу ернинг ўзида талабалар тадқиқот билан шуғулланиш, асарлар тақдимоти ва муҳокамасини ўтказиш, қизиқарли викториналарда иштирок этиш имкониятига ҳам эга.

Шаҳарнинг эътиборга лойиқ қисми ҳисобланган университет кутубхонасига кирган одам ўзини худди ўрта асрларда юргандек ҳис қилади ва бундан роҳатланади. Кутубхонанинг кун бўйи фаолият кўрсатиши талабаларнинг сессияларга тайёрланиш вақтидаги имкониятини кенгайтиради. Университет маъмурияти толиби илмларга ўқиш даврида ишлашни маслаҳат бермайди. Кутубхона яқинидаги расадхона, Фицуиляма музейи, классик археология ва антропология, зоология, фанлар тарихи музейлари, чиройли ботаника боғи мутолаадан сўнг ажойиб табиат ва санъат асарлари, қадимий экспонатлардан баҳраманд бўлиш учун энг қулай ва муносиб манзилдир.

Ер сайёрасидаги ҳеч қайси университет сон жиҳатдан Кембриж каби дунёга Нобель мукофоти совриндорларини чиқармаган. Мазкур нуфузли илмий мукофотга 88 битирувчи ва ўқитувчиларнинг 29 нафари физика, 25 нафари тиббиёт, 21 нафари кимё, 9 нафари иқтисодиёт ва 2 нафари адабиёт бўйича совриндор бўлишида университет кутубхоналарининг ўрни алоҳида. Кембрижда таҳсил олганларнинг 15 нафари Буюк Британия премьер министри, 25 нафари эса бошқа давлатларда юқори лавозимларда фаолият кўрсатгани таҳсинга лойиқ.

## Зиё маскани ичидаги нурхоналар

Ҳозирги кунда университет қошида умумий 31 та ярим мустақил коллеж мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси замонавий ахборот-ресурс марказларига эга ва университетга тааллуқли барча инсонлар учун хизмат кўрсатади. Улар орасида айримлари фақат қизларни қабул қилса, баъзилари магистр ёки аспирантлар ёхуд катта ёшдаги бакалаврлар учун мўлжалланган. Энди ана шундай коллеж кутубхоналарининг айримларига тўхталиб ўтамиз.

**Паркер кутубхонасини** ҳозирги давргача сақланиб қолган ўрта асрлар қўлёзмалари, китоблари ва маълумотлари омбори, дейиш мумкин. Университетнинг 1352 йилда ташкил этилган Корпус Кристи коллежи (Corpus Christi College Cambridge, CCCC)га қарашли ушбу кутубхона машҳур архиепископ, ўз даврининг ўта саховатли кишиси Меттю Паркер номи билан аталади. Паркер 1574 йилда кутубхонага 400 дан ортиқ нодир қўлёзма тақдим этган. Коллекциядаги энг қадимий манба 890 йилдаги англо-саксон қўлёзмаси ҳисобланади. Кутубхона жамғармасида қадимий инглиз матнларидан тортиб, ўша даврда урф бўлган қўшиқларнинг мукаммал аудионусхаси сақланади. Кутубхона фойдаланувчилари муҳим англо-норманд матнлари ва қадимий инглизча манускриптлар тўплами билан танишиш имкониятига эга. Бу машҳур манускриптлар парижлик Матвейнинг «Катта хроника» асарига тегишли.

Дастлабки фаолиятини 1653 йилда бошлаган **Четемс кутубхонаси** XVI—XVII асрларга оид журналлар, босма манбалар ва турли нашриёт маҳсулотларини ўзида жамлаган. Кутубхона жойлашган бино аввал ўша даврдаги помешчик хонадони, кейинчалик ўғил болалар учун мактаб сифатида фаолият кўрсатган. Хамфри Четем бу бинони 1653 йилда сотиб олганда ўз фаолиятини бепул кутубхона очишдан бошлаган. Бироз вақт ўтгандан сўнг кутубхона бошқарувчилари кутубхона фондини тўлдириш учун қимматли нашриётларни топишга киришган. Кутубхонада фойдаланувчиларга ва ташриф буюрувчиларга барча хизматлар бепул амалга оширилган.

**Сеелей тарихий кутубхонаси** Кембриж университетининг тарих факультети биносида жойлашган. Машҳур тарихчи ва ношир сер Жон Роберт Сеелей шарафига номланган бу кутубхона 1807 йили ташкил топган. Ҳозирги вақтда кутубхонада 95 минг томдан ортиқ китоб захираси бор. Ушбу йирик кутубхонадан фақат тарих илмига оид манбалар ўрин олган бўлса-да, талабалар ихтиёрига жуда кенг тармоқли онлайн матнлар, аудио кассеталар ва вақтли матбуот нашрлари ҳавола этилган. Кутубхонада абонемент бўйича турли тилларга оид китобларни олиш мумкин. Бино лойиҳасини таниқли архитектор Жамес Стирлинг чизган бўлиб, у нафислиги билан нафақат талабалар, балки сайёҳлар эътиборини ҳам жалб этади.

Кембриж университети ҳудудида жойлашган **Авлиё Иоанн коллежи кутубхонаси** қадимий архитектураси билан машҳур эканидан ташқари, Кем дарёси ўртасида жойлашганлиги билан ғаройиб.

Кутубхона қурилишига хайрия пуллари ва коллежнинг икки талабаси — Жон Уилямс ва Линколн салмоқли ҳисса қўшган. 1516 йили Авлиё Иоанн коллежи очилганда, унинг кутубхонаси ўкув биносининг 1-қаватида жойлаштирилган ва Якоб готик услубида қад ростлаган. Унинг баландлиги 35 метрни, кенглиги 10 метрни ташкил этади. Кутубхонанинг 2 та катта ойнаси Готлар даври услубининг яққол намунасидир.

Кутубхона биноси 2 қисмдан иборат. Биринчисида қадимий тарихий қўлёзмаларнинг катта қисми ва ноёб китоблар, ҳужжатлар сақланиб, у музей вазифасини бажаради. Замонавий кутубхона қисми ҳар куни хизмат кўрсатиб, фойдаланувчиларга электрон кутубхонадан ва интернет хизматларидан фойдаланишда катта ёрдам беради.

***Хулоса қилиб айтганда, қомусий билимлар хазинаси дея эътироф этиш мумкин бўлган университет кутубхоналари талабаларнинг фақат дарсдан кейинги бўш вақтини мазмунли ўтказиши эмас, балки улар ҳаётида ўчмас из қолдириши билан ҳам аҳамиятлидир. Зеро, бу масканда таҳсил олиш бахтига эришган ёшлар орасидан етишиб чиққан етук шахслар ўз мемуарларида устозлари қатори кутубхоналардан миннатдорлигини ёзиши бежиз эмас. Шундай экан, кутубхонага ошно бўлганлар асло кам бўлмайди.***

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ тайёрлади.**

2017-yil 1-mart, № 17 (8978)

# D ВИТАМИНИ ИНФЕКЦИЯДАН АСРАЙДИ(МИ?)

***«The Telegraph» нашрида келтирилишича, халқаро шифокорлар уюшмаси D витаминининг яна бир хусусиятини аниқлади. Тадқиқот натижалари «British Medical Journal» нашрида эълон қилинди.***



Мунтазам равишда (ҳафтасига тез-тез бир неча бор) D витаминини истеъмол қилиш ўткир респиратор касалликлар ривожланишини икки бобарбаргача сусайтиради. Натижада ҳар йили уч миллиондан ортиқ одам бу турдаги хасталикларга чалинишдан муҳофазаланади. Бундан олдинроқ олимлар D витаминининг узоқ умр кўриш генларига таъсирини ўрганган эди.

— Ушбу йирик тадқиқотнинг дастлабки таҳлиллариёқ D витаминининг респиратор инфекциялардан ҳимоя қилиш хусусиятини исботлади, — деди Лондон университети профессори Адриан Мартино. — Олимлар тадқиқот давомида турли мамлакатлардан 11 мингдан ортиқ кўнгилли иштирокчидан олинган мета-анализларга асосланиб, шундай хулосага келди.

D витамини организмга кальций сингиши ҳамда гавда суяги тўқималарининг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, у саратон, йўғон ичак, сут безлари, юрак касалликлари ва стресснинг олдини олишда самара бериши билан ҳам аҳамиятлидир.




# ҚОҒОЗНИНГ АНТИҚА ХУСУСИЯТИ

***Шаньдун университети (Хитой), Калифорния университети ва Лоуренс номидаги миллий лаборатория (АҚШ) олимларидан иборат тадқиқотчилар гуруҳи қоғознинг кўп марта ишлатилувчи янги турини ихтиро қилди.***

«Nature» манбасида келтирилишича, қоғоз ишлаб чиқариш учун ҳар йили ўнлаб тонна дарахт кесилади. Дарахтлардан фойдаланиш миқдорини камайтириш эса атроф-муҳит экологияси учун жуда муҳимдир.

Олимлар яратган қоғоз турининг алоҳида хусусияти шундаки, унга ёзилган маълумотларни кераклилиги, долзарблиги ва вақтига кўра маълум муддатдан сўнг ўчириб ташлаб, яна фойдаланиш мумкин.

Бундай турдаги қоғозга ёруғлик тўлқинлари ёрдамида ёзилади. Қоғоз таркибида ёруғлик спектрининг ультрабинафша нури таъсирида ўз рангини ўзгартирувчи алоҳида нанозарралар мавжуд. Унга қайд этилган ёзувлар 120 даража ҳароратда тобланиш натижасида ўчирилади.

— Биз ёруғлик таъсирида ўз рангини ўзгартирувчи янги турдаги фотоматериални ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик, — деди ихтиро ҳаммуаллифи, Калифорния университети профессори Ядонг Ин. — Бундай турдаги қоғозлардан кўп марта ва ҳеч қандай сиёҳсиз фойдаланиш мумкин. Мазкур ихтиронинг иқтисодий ва экологик афзалликлари кўп бўлиб, яроқсиз ҳолга келган миллионлаб тонна қоғозларни қайта ишлашга зарурат қолмайди.

# ЖАРРОҲ КИЙИМИ НЕГА ЯШИЛ ВА КЎК РАНГДА?

***Жарроҳлар анъанавий оқ рангдаги эмас, аксинча, яшил ва кўк рангли халат кияди. Бунинг ўзига хос аҳамиятли жиҳатлари ҳақида «AdMe» нашрида ёзилди.***



Гап шундаки, жарроҳ операция жараёнида тўқ қизил қонга ва бирга ишлаётган ҳамкасбининг оқ халатига қараганда, бир неча лаҳза давомида унинг кўзи хиралашиши мумкин. Бироқ улар либосига нима учун айнан яшил ва кўк тус танланган?

Ранглар спектрида яшил ва кўк айнан қизилга қарама-қарши қўйилган ранглар ҳисобланади. Жарроҳ операция вақтида доимий равишда қизил қонга қарайди. Яшил ва кўк рангли халат нафақат шифокор кўзининг тиниқлигини оширади, балки қизил тус жилоси билан ўзаро мутаносибликни ҳосил қилади. Натижада операция вақтида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олди олинади.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ тайёрлади.**

***реклама • эълон • реклама • эълон• реклама • эълон • реклама***

## НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

- **Бошланғич синфларда ўқитиш ҳуқуқини бериш;**
- **Биология фанини ўқитиш ҳуқуқини бериш;**
- **География фанини ўқитиш ҳуқуқини бериш;**
- **Кимё фанини ўқитиш ҳуқуқини бериш**

**бўйича касбий қайта тайёрлаш курсларига ўқишга таклиф этади!**

Дарслар университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Ҳужжатлар доимий равишда қабул қилинади, гуруҳ шаклланган дан сўнг дарслар бошланади.

**Ўқиш муддати 7 ой.**

Дарслар ўзбек ва рус тилларида, куннинг иккинчи ярмида соат **14⁰⁰** дан **18⁰⁰** гача бўлиб ўтади. Вилоятдан келган ўқитувчилар ётоқхона билан таъминланади.

**Ўқиш учун тўлов: 3 277 500 (уч миллион икки юз етмиш етти минг беш юз) сўм.**

**Тингловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

1. Диплом, илова (асли шахсан кўрсатилади).
2. Диплом, илова нусхаси (нотариусдан тасдиқланган).
3. Паспорт нусхаси (паспорт шахсан кўрсатилади).
4. Меҳнат дафтарчасидан нусха.
5. Иш жойидан маълумотнома.
6. 0-86-форма (тиббий маълумотнома).
7. 6 дона расм (3,5x4,5).
8. Иш жойидан талабнома.
9. 1 дона папка (ҳужжатлар учун).

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.
Низомий номидаги ТДПУ, 3-бино 1-қават — Тайёрлов бўлими,
2-бино 1-қават — Бошланғич таълим ва жисмоний маданият факультети.
Телефонлар: (+99890) 931-60-73, (+99871) 276-84-34, (+99897) 130-41-24.**

## ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

**қуйидаги лаборатория материалларини сотиб олиш бўйича тендер эълон қилади:**

**Лот №-4. *"PhytoTechnology Laboratories"*** компаниясининг тўқималар культураси соҳасида қўлланилувчи турли озуқа муҳитлари, кимёвий реагентлар ва лаборатория анжомлари;

**Лот №-5. *"USA Scientific"*** компаниясининг молекуляр биология соҳасида қўлланилувчи турли лаборатория восита ва анжомлари (турли ҳажмли пластик пробиркалар, флаконлар ва ҳ.к.).

Батафсил маълумотларни (0-371) 260-51-70 телефон рақами ёки **www.genomics.uz** веб-саҳифаси орқали олишингиз мумкин.

# Ранглар жилосидан илҳомланиб

**Мактаб — улғайиб келаётган ёш авлоднинг маънавий дунёқарашини кенгайтириб, уларнинг иқтидорини тарбиялайдиган муқаддас маскан.**



Яшнобод туманидаги 170-мактабда иқтидорли ўғил-қизларнинг истеъдодини намойиш этишга қаратилган тасвирий санъат йўналишидаги тўгарак аъзоларининг ижод намуналари акс этган расмлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмадан ўқувчиларнинг борлиқни ўраб турган табиат манзараларини ўз ички дунёсидан келиб чиқиб тасвирлаган ижод намуналари жой олди. Ёш мусаввирларнинг рангтасвир ҳамда қаламтасвир асосида рангли бўёқлардан фойдаланиб ишланган ишлари барчанинг эътиборини тортди.



— Ҳайвон ва қушларнинг анимацион тасвирлари, натюрморт жанрида ишланган лавҳаларни томоша қилиб, берган сабоқларимиз бесамар кетмаганига хурсанд бўлдик, ота-оналар ҳам мамнунликларини яширмадилар, — дейди «Камалак» тасвирий санъат тўгараги раҳбари Ирода Шокирова. — Кўргазма якунида 6-«А» синф ўқувчилари Ҳожиакбар Саидакбаров ва Шоҳсанам Одилованинг ижодий ишлари энг яхши деб топилди ва мактаб маъмурияти томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Қаноат ЭРГАШОВА,
мактабнинг эстетика фанлари методбирлашмаси раиси,
Муниса ШОКИРОВА,
бошланғич синф ўқитувчиси**

2017-yil 1-mart, № 17 (8978)

# «Читтак» планери моделини ясаймиз

**Yangi rukn: Yasaymiz va yaratamiz!**

***Ҳар бир бола қандайдир иқтидор эгаси. Кимдир бадиий ижод билан шуғулланишга, кимдир техник йўналишда ихтиролар яратишга қизиқади. Агар ўқувчидаги бу иқтидор болалигидан ривожлантирилиб, шарт-шароит яратилса, келажакда у ўз ишининг моҳир мутахассиси бўлиб етишади. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган янги рукн орқали ўқувчилар қизиқишига кўра ташкил этилган тўгарак машғулотларидан намуналар бериб борилади.***

***Илк машғулотимиз — техник ижодкорлик йўналишида бўлиб, унда кўрсатилган моделни берилган чизма ва тавсиялардан фойдаланиб, ҳар бир тўгарак раҳбари ўқувчилар билан ясаб кўриши мумкин. Зеро, ўз қўли билан ниманидир яратиш, ўзи ясаган буюмни кўриб қувониш ҳар бир болага завқ бағишлайди.***

Техник ижодкорлик йўналишининг асосий жиҳати ўқувчи-ёшларни махсус асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари билан ишлашга ўргатишдир. Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этишда тўгарак раҳбари уларни доимий назорат қилиб боради. Кесувчи ва санчилувчи асбоб (қайчи, бигиз, пичоқ, арра)дан бола эҳтиёткорлик билан фойдаланиши, елим бадани, кийими, кўзи ва оғзига тушмаслиги керак. Ўзи ва ўртоқларини жароҳатламаслик учун асбобларни маҳкам ушлаши зарур. Тўгарак раҳбари ножоиз хатти-ҳаракатдан болани огоҳ этишга масъулдир. Ҳар қандай материал ёки асбобнинг ўткирлиги ва ҳароратини тил ёки қўл ёрдамида текшириш тақиқланади.

Машғулот бошлашдан аввал тўгарак раҳбари унинг мақсадини белгилайди. Шунга кўра, фойдаланиладиган кўргазмали хомашё ва иш қуролини танлайди. Яроқлилигини кўздан кечириб, йўналишга мос таълим методини аниқлаб олади. Маълумот берувчи (оғзаки баён қилиш, тушунтириш, маъруза, намойиш этиш, иллюстрация, муаммоли ҳикоя, ўзаро суҳбат) ҳамда ижодий таълим методлари (адабиёт билан ишлаш, ишга алоқадор ва инновацион ўйинлар, баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, ижодий диалог)дан фойдаланиши мумкин. Машғулотнинг техник таъминоти (аудиовизуал ўқитиш воситалари, компьютер техникасидан кенг фойдаланиш)га алоҳида эътибор қаратиш керак.

Техник ижодкорлик йўналишидаги машғулотда хона жиҳозлари жойлашувининг аҳамияти катта. Стол ва стуллар қуйидаги чизмага кўра жойлаштирилса, бола ўзини гўёки оила даврасида ўтиргандек ҳис этади. Юзма-юз ўтирилса, ўзаро тенглик муҳити ҳосил бўлади.




Уй вазифасини текшириш жараёнида бола психологиясини ҳисобга олиш керак. Даб-дурустдан “нотўғри бажарибсан” деган гап болага оғир ботиши мумкин. Шу боис, психологияда “бутерброд” деб аталувчи усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Яъни, аввал ёш техникнинг ютуқлари санаб ўтилади, сўнгра йўл қўйган камчилиги кўрсатилади ва уни бартараф этиш йўллари ўргатилади. Ўтилган мавзуни такрорлашда инновацион усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан, “Кластер” усулида тўгарак аъзоларига ўқитувчи ролини бажариш таклиф этилади. Бола ўзининг бор билим ва имкониятини ишга солиб, вазифага ижодий ёндашади. Проектор орқали намойиш этиладиган техник модел чизмаси ва унинг ясалиш технологиясини босқичма-босқич изоҳлаб беради.

Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш учун тақдимот усулидан фойдаланиш мумкин. Ҳар бир гуруҳ вакили вазифани қандай бажарганини чизма ва модел ёрдамида ёритиб беради. Гуруҳнинг бошқа аъзолари мавзуга оид қўшимча киритиши мумкин. Қуйида “Авиамодел” тўгараги машғулотининг қандай ташкил этилиши ва ўтказилиши ҳақида маълумот берамиз.

## Зарур асбоб-ускуна ва хомашёлар

Самолёт моделини ясашда турли хил пластик, қоғоз, ёғоч ва металл каби хомашёларни қўллаймиз. Машғулот жараёнида ўқувчиларга оддий моделни ясашда ишлатиладиган асбоблар — пичоқ, қайчи, циркул, қоғоз, чизғич, қалам, елим, мўйқалам ва бўёқ билан ишлаш усуллари кўрсатиб берилади. Оддий техник моделни ясаш учун қоғоз ва картонни тўғри танлаш керак. Материалнинг бўйлама ва энлама қатламлари аниқланиб, уни белгилаш, кесиш ва букиш усуллари таништирилади.



## Моделни ясаш

Расмда кўрсатилган планернинг номи “Читтак” бўлиб, аввал унинг чизмаси 1:1 масштабда ватман қоғозига чизиб олинади.




*Расм. “Читтак” планери модели*
*а — умумий кўриниши; б — чизмаси; в — юк шаблони*

**Амалий машғулот:** Модел асоси яъни, фюзеляжи (самолёт корпуси, гавдаси)ни ясаш учун узунлиги 700-800 мм, қалинлиги 10х6 мм.ни ташкил этадиган қарағай ёғочидан тайёрланган рейка керак бўлади. Юк қисми кенглиги 60 мм, узунлиги 180 мм, қалинлиги 8-10 мм.ли қарағай ёки чинор ёғочидан ясалади. Катта (олд) қанотни ясаш учун қалинлиги 5х5 мм, узунлиги 700-800 мм.ли иккита рейка керак. Уларни бирлаштириш учун алюмин сим ёки 2х5 мм, қалинликдаги рейкадан фойдаланиш мумкин. Нервюра (қанот қовурғаси) учун қамишдан 2х2 мм, қалинликдаги 8 та таёқча керак бўлади. У учлари сим билан бирлаштирилган қанот ичига бир хил масофада ПВА елими билан ёпиштириб чиқилади. Стабилизатор (кичик қанот)ни 400 мм.ли иккита рейкадан тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Фақат унинг нервюралари бўлмайди. Қанотлар усти плёнка ёки калька қоғоз билан қопланади. Моделнинг киль (дум) қисмини ясаш учун 100х90 мм.ли (баландлиги 100, эни 90) рейкани иссиқ сувга 15-20 дақиқа солиб қўямиз. Сўнгра, диаметри 85-90 мм бўлган шиша ёки темир банкага ўраб қўйиб, қуритиб оламиз. Айлана ҳолига келган қуруқ рейка учларини пичоқ билан учли ҳолатга келтириб, елим билан бириктирамиз. Тайёр киль стабилизаторнинг устки қисмига маҳкамланади. Стабилизатор билан киль ҳам плёнка ёки калька қоғоз билан қопланиши керак.

Тайёр фюзеляжнинг устки қисмига ПВА елими билан юк қисмини ёпиштирамиз. Кейин олд қанот шу тарзда маҳкамланади. Стабилизатор билан киль фюзеляжнинг қуйруқ қисмига жойлаштирилгач, тайёр бўлган моделни синаб, учириб кўриш мумкин.

**Акмал ХОЛИҚОВ,**
**“Баркамол авлод” республика болалар техник ижодиёт марказининг ўқувчиларни ижодий камол топтириш гуруҳи раҳбари,**
**Абдунаби ҲОЖИБОЕВ,**
**“Авиамодел” тўгараги раҳбари**

# Ҳали Жалолиддинни жаҳон танийди!

*Кўринишидан жиддий, камгап, оғир-босиқ, чапдаст, бироқ соддадил, ҳазилкаш қашқадарёлик ёш спортчи Жалолиддин Ҳамроқулов енгил атлетика билан шуғулланади.*



1997-1998 йилларда туғилган ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати, Марказий Осиё мамлакатлари ёшлари ўртасида ташкил этилган халқаро турнир ҳамда Олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган чемпионатда 200, 100 метрга югуриш бўйича олтин, кросс югуриш бўйича Ўзбекистон чемпионатида кумуш медални қўлга киритган. Айни вақтда у Қарши олимпия захиралари коллежининг 3-босқичида таҳсил олмоқда. Ҳаётдаги шиори: марра сари доим олға интилиш.

— Спорт коллежини танлашимга бир воқеа сабаб бўлган, — дейди Жалолиддин Ҳамроқулов. — Мактабни битириш арафасида мени "Ким бўлсам экан?" деган савол ўйлантирарди. Бир куни катта тоғам ўзи ишлайдиган коллеждаги мусобақага етаклаб борди. Ёш спортчилар бир-биридан ўзиб тухумсимон чизиқни айланиб ўтишарди. Уларнинг ҳаракатларидан илҳомландим. Шу пайт беихтиёр менда ҳам мусобақада қатнашиш истаги пайдо бўлди. Тоғамнинг "Жим, жойингда томоша қилиб ўтир", деганига қарамай, қатнашчиларнинг орасига кириб олдим. Ҳакам ҳуштагини чалганда, шундай югурибманки, ўзимдан катталардан ўзиб, мусобақа ғолиби бўлдим. Буни кутмаган тоғам мендан яхшигина енгил атлетикачи чиқишини билиб, спорт устаси Шавкат Холёровга шогирдликка берди...

Ўз иқтидори ва маҳоратини малакали мураббийлар кўмагида ошириб, халқаро мусобақаларда фаол қатнаша бошлаган ёш спортчи қисқа вақт ичида мутахассислар эътиборига тушди. Хусусан, 2015 йилнинг 8—11 май кунлари Қатарнинг Доха шаҳрида 1998-1999 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 100, 200 метр масофага югуриб, кучли ўнликдан жой олди.

— Қатарда Осиёнинг турли мамлакатларидан келган ёш спортчилар йиғилди, — дея суҳбатимизга қўшилади мураббий Шавкат Холёров. — Ёз эмасми, бош-оёқларимиз жизғанак бўлади. Ҳавонинг бу қадар иссиқлигига дош бериш учун тоғдек сабр керак. Ярим финалдан кучи "қирқилаёзган" Жалолиддин ёнимга илласи қуриб келди: "Устоз, бошқа чидолмайман, сабрим етмайди. Бўлди, мусобақадан чиқаман". Шу тобда, биласизми, саратоннинг жазирамасидан эмас, унинг оғзидан отилиб чиққан сўздан бутун вужудим қовурилди. Нима дейишни билмай қолдим. Аммо унга умид бағишлаш учун "Жалолиддин, юксак марраларни забт этишни истасанг, ортингда сенга кўз тикиб турган Ватанимиз учун жонингни ҳам аямаслигинг керак", дедим. Сўзларим таъсир қилди чоғи, Жалолиддин сафга қайтди. Унинг юрт шаъни, обрў-эътиборини тушунгани мени қувонтирганди.

— 100 метрга югураётганимда фақат олдинга қарайман, — деди қаҳрамонимиз. — Ҳатто жараёнда бизни суратга олаётганликларини ҳам пайқамайман. Бир куни шундай видеотасвирлардан бирини кўраётиб, трибунада устозимнинг жон-жаҳди билан мени қўллаётганига кўзим тушди. У жон куйдириб, мени қўллаб-қувватларди.

Жалолиддин Ҳамроқуловдан яна бир хушхабар эшитдик. У Колумбиянинг Кали шаҳрида 1998-1999 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 100, 200 метр масофага югуриб, кучли йигирматаликдан жой олибди.

— Мусобақанинг очилиш маросимида иштирокчилар шарафига ўз мамлакатининг байроғи кўтарилиши спортчига ўзгача завқ улашиш билан бирга, руҳий қувват беради, — деди Ж.-Ҳамроқулов. — Айниқса, юртимиз байроғининг баланд кўтарилиб, тенглар ичра тенг бўлиб ҳилпираб туриши кўксимда беадад фахру ифтихор уйғотади. Қалбимда Ватан соғинчи аралаш муҳаббат жўш уради. Қани, ҳар бир мусобақада зафар қучиб, юртга бўлган муҳаббатимни намоён этсам. Спортчилар учун халқаро мусобақалардан медаль олиб қайтиш улкан бахт! Назаримда, ўзини англаган спортчи майдонга ўзи ёки кимдир учун эмас, аввало Ватан шарафи учун чиқади. Ватан учун курашган инсон ҳеч қачон енгилмайди.

Ҳа, Жалолиддиннинг ўз қарашлари, ҳаётдан кўзлаган мақсадлари бор. Уларнинг барчаси Ватани ривожи, халқи, ота-онасининг шодлигу қувончи билан боғлиқ. У шундай фикрлашда давом этиб, тинимсиз шуғулланса, ўз устида ишлаб, мусобақаларда тобланса, албатта, ниятига етади — уни жаҳон танийди. Инчинун, ҳар бир ўзбекистонлик ёш ўғил-қиз шиорига айланган — "Марра бизники, келажак бизники" деган эзгу даъват Жалолиддиннинг қалбида ҳам доим алангаланиб туради.

**Ҳулкар ФАРМОН қизи**

## Bolalar sporti

## Хабарингиз борми?

***Москва** шаҳрида теннис бўйича ўтказилаётган халқаро турнирда ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова германиялик Анна Цайга қарши кортга чиқиб, 6:4, 6:7 (20:22), 7:6 (7:4) ҳисобида енгди. Эътиборлиси, улар ўртасидаги тай-брейк хотин-қизлар мусобақаларида шу пайтгача энг узоқ давом этгани бўлди. Унда юртдошимиз рақибасини 22:20 ҳисобида енгди. Бунга қадар рекорд натижа сифатида 1990 йили Тара Шнайдер (АҚШ) ва Эммануэль Гальярди (Швейцария) ўртасидаги баҳсда кузатилган тай-брейк қайд этиларди. Ўша баҳс 21:19 ҳисобида Шнайдер фойдасига ҳал бўлган.*

* * *

***Қозоғистонда** теннис бўйича кечган "Capital Cup — 2017" халқаро турнирида вакилимиз Ясмина Каримжонова яккалик ва жуфтлик баҳсларида ғалаба қозониб, икки бор шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилди.*

* * *

***Фужайра шаҳри**(Бирлашган Араб Амирликлари)да таэквондо WTF бўйича кечган "Fujairah Open — 2017" халқаро турнирида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли қатнашиб, дунёнинг турли мамлакатларидан келган 550 га яқин спортчи орасида 3 олтин, 5 кумуш ва 8 бронза медалига сазовор бўлди.*

*Хусусан, кадетлар баҳсида Амирбек Тўраев, Азизбек Раҳмонбердиев ва Даниил Ким олтин, Жавоҳир Холмуродов, ўсмирларимиздан Зуҳра Очилова, катталар баҳсида Никита Рафалович, Шуҳрат Салаев, Нигора Турсунқулова кумуш, Ислом Йўлдошев, Динора Мухторова ҳамда Феруза Содиқова, Валентин Хегай, Максим Рафалович, Темур Ўролов, Мафтуна Эргашева, Светлана Осипова бронза медални қўлга киритди.*

## XORIJDA SPORT

### «МЮ» — 5 КАРРА ҒОЛИБ

**Лондондаги «Уэмбли» стадионида Англия футбол лигаси кубоги учун ўтказилган мусобақа финалида «Манчестер Юнайтед» клуби ғалаба қозонгани ҳақида «ТАСС» хабар берди.**



«Қизил иблислар» ҳал қилувчи баҳсни «Саутгемптон» жамоасига қарши ўтказди. Шиддатли курашларга бой тарзда ўтган матчда Жозе Моуриньо шогирдлари иродали ғалабага эришди — 3:2. Учрашувда «МЮ»дан Златан Иброҳимович, рақиблардан Маноло Габбьядини дубль қайд этди. Шунингдек, Жесси Линдгард ҳам манчестерликлар ҳисобига битта гол ёзиб қўйди. Айтиш жоизки, Златан мазкур ўйинда чинакам қаҳрамон бўлди. Унинг 88-дақиқада урган голи «Манчестер Юнайтед»ни бешинчи бор кубок соҳибига айлантирди.

### ЯО МИН ХИТОЙГА ҚАЙТДИ

**Баскетбол миллий ассоциацияси(МБА)нинг донгдор жамоаларидан бири «Хьюстон»нинг собиқ етакчиларидан бўлган Яо Мин Хитой баскетбол ассоциацияси президенти этиб тайинланди, дея ёзилди «TSN» порталида.**



Манбада келтирилишича, унинг номзодини барча мутахассислар бир овоздан маъқуллаган. Ушбу қарордан кўзланган мақсад мамлакатда олимпия дастурига киритилган спорт тури — баскетболни янада ривожлантиришдан иборат.

Эслатиб ўтамиз, Яо Мин «Хьюстон» клубида 2002 йилда «1» рақами остида майдонга чиққан. Саккиз марта Юлдузлар матчида қатнашган, 2003 йилдан бошлаб МБАнинг биринчи рамзий жамоасига киритилган. У спортчилик фаолиятини 2011 йилда якунлади. 2016 йилда унинг исми баскетболчиларнинг шон-шараф залига ёзиб қўйилди.

### КАМАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛДИ

**Америкалик боксчи Деонтей Уайлдер Жаҳон бокс кенгашининг (WBC) супероғир вазн тоифасидаги чемпионлик камарини ҳимоя қилиш учун ҳамюрти Жеральд Вашингтонга қарши рингга чиқди.**

«ТАСС»да ёзилишича, муштлашувга Бирмингем (Алабама штати) шаҳридаги спорт мажмуаси мезбонлик қилган. Учрашувга жиддий тайёргарлик кўрган Деонтей 5-раунддаёқ рақибини техник нокаутга учратиб, камарни муносиб ҳимоя қилди.

Хабарингиз бўлса, у ўтган йили ёзда ҳамюрти Крис Арреола билан куч синашиб, уни ҳам енганди. Унинг навбатдаги рақиби аслида польшалик Анджей Вавжик бўлиши кутилганди. Бироқ у допинг-тестдан муваффақиятли ўтолмади.

### ЖАҲОН РЕКОРДИ ЎРНАТИЛДИ

**Калгари шаҳрида якунига етган конькида югуриш бўйича жаҳон чемпионатида голландиялик таниқли спортчи Кай Вербай олтин медалга сазовор бўлди, дея хабар берди «Спорт».**

У мусобақанинг спринтерлик кўпкураш баҳсларида ғалаба қозонди. Тўрт югуриш, яъни икки мартадан 500 метр ва 1000 метрга югуриш натижаларига кўра, Кай 136,065 балл жамғариб, жаҳон рекордини ҳам ўрнатди. Иккинчи ўринни норвегиялик спортчи Хавард Лорентцен (136,280) банд этган бўлса, учинчи ўрин бошқа бир голланд конькичиси Кьелд Найс (136,300)га насиб қилди.

### ЭЛИНАНИНГ ИККИНЧИ СОВРИНИ

**Хотин-қизлар теннис ассоциацияси (WTA) томонидан Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада украиналик Элина Свитолина бош совринга сазовор бўлди.**

Умумий ютуқ жамғармаси 2,36 млн долларни ташкил этган турнирнинг ҳал қилувчи матчида у даниялик Каролин Возняцкига қарши кортга чиқиб, икки сет натижасига кўра, 6:4, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Жаҳоннинг 13-рақамли ракеткачиси учун мазкур соврин жорий йилдаги иккинчисидир.

**З.ХОЛОВ тайёрлади.**

«Ma'rifat»-«Учитель Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Хайриддинмурод Абулфайзовга отаси

**Маҳмуд АБУЛФАЙЗОВ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

# KITOB – ENG YAXSHI SOVG'A

**8-mart – Xalqaro xotin-qizlar kuni va 21-mart – Navro'z umumxalq bayramlari** munosabati bilan **"Kamolot" YIH** hamda **"Yangi asr avlodi"** nashriyot-matbaa markazi **"Kitob – eng yaxshi sovg'a"** loyihasi doirasida quyidagi durdona asarlarni e'tiboringizga havola qiladi:




Manzil: Toshkent shahri, Qatortol ko'chasi, 60-uy, kitoblar do'koni. Murojaat uchun telefonlar: (+99871) 147-00-14; (+99871) 2730014

«YANGI ASR» kitob savdo tizimi do'konlari

Toshkent shahar «Kamolot» kitoblar do'koni (+99897) 725-21-11;
Toshkent shahri, Qatortol ko'chasi, 60-uy (+99890) 982-20-85;
Farg'ona viloyati (+99893) 373-33-73;
Navoiy viloyati: (+99891) 339-97-00
Jizzax viloyati: (+99898) 261-16-13
Sirdaryo viloyati: (+99890) 934 36 76

Хизматлар лицензияланган. Маҳсулотлар сертификатланган.


# Санъатга бахшида умр

***Республика болалар кутубхонасида "Санъатга бахшида умр" номли тадбир бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси, санъат арбоби Рустам Абдуллаев таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда бастакорлар, болалар ансамбллари жамоалари, пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 244-, 255- ва 282-мактабда таҳсил олаётган мусиқага ҳавасманд ўқувчилар иштирок этди.

– Рустам Абдуллаев замонавий ўзбек мусиқасининг забардаст вакилларидан бири, — дейди "Булбулча" болалар ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари Шермат Ёрматов. — Унинг болалар учун яратган "Офтоб чиқди", "Тойчоқ" сингари куйлари ўғил-қизларимизнинг севимли қўшиғига айланиб улгурган.

Ижодкорнинг тўртта йирик опера, балет-ораторияси, учта симфоник поэмаси, фортепиано ва оркестр учун бешта концерт ҳамда бошқа кўплаб асарлари ўзбек мусиқаси хазинасини бойитиб турибди.

**Зулфизар МАМАДАЛИЕВА**
**Б. РИЗОҚУЛОВ** олган сурат.




Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:
*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.*

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 149, 150. Г-315. Tiraji 58165. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.*

*Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir: Oybuvi OCHILOVA.
Navbatchi: Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 23.05 Topshirildi — 23.10 1 2 4 5 6